

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.564.22:001.57(575.1)

Салаев Санъатбек Комилович

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТЛАШ
(Ўзбекистон Республикаси мисолида)

08. 00. 06 – «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
“Ахборот технологиялари” кафедрасида бажарилган

Илмий маслаҳатчи: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги, иқтисод фанлари доктори,
профессор** Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

Расмий оппонентлар: **иқтисод фанлари доктори, профессор**
Шодиев Турсун

иқтисод фанлари доктори, профессор
Шодиев Ҳамид Азимович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Аимбетов Нагмет Каллыевич

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Иқтисодиёт институти**

Диссертация 2008 йил “___” _____ соат “___” да Тошкент давлат
иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 рақамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор**

Б.Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий эркинлаштириш, ўтказилаётган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолининг умумий бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш миллий иқтисодийтимиз олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади”.¹

Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Яқин истиқболда кичик бизнес республикамизда иқтисодий ўзлуксиз ривожлантиришнинг энг муҳим омили, тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган етакчи куч бўлиб қолади.

2008 йил 1 январ ҳолатига ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМ даги улуши 46 фоизни, бандлар сонидagi улуши қарийб 76 фоизни ташкил этди. 2007 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 743,7 млрд.сўм кредит ажратилди, 630 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, шуни 65 фоизи ёки 409,5 минг кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, 20 фоизи ёки 126 минг касаначилик ҳиссасига тўғри келди.²

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни тараққий эттириш, қўллаб-қувватлашдаги давлатнинг одилона иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик мустаҳкамланди, бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, талаб юқори бўлган моддий-техник ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Аммо, давлатимизнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, минтақалар ва иқтисодий тармоқларини комплекс ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикамизда кичик

¹ “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси \\\ Туркистон. 2008 йил, 9-феврал. №11. 2- бет.

² Ўша жойда: 3-бет

бизнесни тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларини, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, республикамиз ҳамда минтақаларда кичик бизнес ривожланишининг устувор йўналишларини моделлаштириш, башоратлаш ёрдамида илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш республикамиз иқтисодиёт фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Юқоридаги кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни ечишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда, МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Хорижлик ва МДХ олимларидан А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Гросс, Р.Бруксбенк, В.Хьюбер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, Л.Абалкин, В.Абчук, А.Бусыгин, Ю.Осипов, А.Шапиро, М.Балашевич, М.Хаджимуратовлар илмий ишларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини эконометрик тадқиқ этишнинг илмий, назарий асослари ва усуллари К.Доугерти, А.Вебстер, Е.Вигдорчик, А.Хачатрян, С.Айвазян, В.Мхитарян, Н.Егорова, А.Ларионов, В.Долгопятав, О.Замков сингари олимлар тадқиқотларида кенг ёритилади.

Республикамизда ўтиш иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, минтақавий ва тармоқ муаммолари С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, Ё.Абдуллаев, М.Қосимова, Т.Дўстжанов, М.Шепелев, З.Худойбердиев, А.Амбарцумян, Қ.Муфтайдинов ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган¹.

Ўзбекистонда бугунги кунда бизнес ва тадбиркорликнинг инновацион тури бўлган ахборот-коммуникациялар бозорини, тадбиркорлик фаолиятида автоматлаштириш, ахборотлаштиришнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришнинг назарий-услубий ва амалий масалалари академик С.Ғуломов, профессорлар Р.Алимов, Б.Бегалов, А.Кенжабоевларнинг илмий ишларида кенг ёритилади².

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва бевосита кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни эконометрик моделлаштириш борасида тадқиқотлар олиб борган таниқли олимлар қаторига Т.Шодиев, Б.Ходиев, Н.Махмудов, Б.Беркинов, А.Абдуғаффоров, Қ.Сафаева, Ш.Холмўминов, Х.Шодиев, Б.Салимов, Б.Атаниязов, О.Абдуллаев, Н.Аимбетов ва Ю.Мухамедов сингари олимларни киритиш мумкин. Улар ўз илмий ишларида иқтисодиётнинг минтақавий, тармоқ, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг

¹ Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. - с.19-83., Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т.:Шарқ. - 365 б., Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997. - 129 б., Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. -Т.: Фан, 1998. -17 с., Абдуллаев Ё., Ф.Каримов.Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Мехнат. 2000 й., Кичик бизнесни бошқариш / Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. - Т.: Ўқитувчи, 2003. - 239 б., Амбарцумян А.А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Ташкент.: 1996. -27 б., Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: икт.фан.ном. ...дис.автореф. -Тошкент. 1996.-22 б., Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: икт.фан.док....дисс.Т. ЎЗМУ. 2004. - 276 б.

² Ғуломов С.С., Шермухамедов А.Т., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. -Т.: Ўзбекистон. Дарслик, 1999. - 528 б., Иқтисодиётда ахборот технологиялари / Алимов Р.Ҳ., Бегалов Б.А., Юлчиева Р.Т., Алишов Ш. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси. 2005 й. - 183 б., Бегалов Б.А.Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш.: икт.фан. док. дисс....авторефер. - Тошкент.: ТДИУ. 2001. -36 б., Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: икт. фан. док. дисс....автореф. -Тошкент.: ТДИУ. 2005. - 41 б.

назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишган¹.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан республикамизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш, башоратлашга бағишланган ҳамда олиб борилаётган тадқиқотлар етарли эмас ёки тадбиркорликнинг назарий муаммоларига бағишлангандир.

Шу сабабли, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнесни таснифлашни такомиллаштириш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва катта сонлар қонуни ҳамда тақсимоат эҳтимоллиги функциялари ёрдамида баҳолаш, иқтисодиёт ва мулк секторлари ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳамда номутаносибликларни аниқлаш, кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларни илмий таҳлил этган ҳолда устувор йўналишларини аниқлаш каби илмий-назарий муаммолар, кичик бизнес генезиси ва ривожланиш қонуниятларини, антимонопол сиёсат, рақобатчилик муҳити ва механизмлари билан боғлиқликда тизимли таҳлил этиш, кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш, ривожланган давлатларда иқтисодиёт тармоқлари тараққиёти барқарорлигини баҳолашда самарали қўлланилаётган усул ва моделлар ёрдамида республикамизда кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги ривож ҳамда истикболларини баҳолаш, минтақаларни мазкур соҳа ривожланганлиги бўйича оптимал гуруҳлаш каби илмий-услубий муаммолар, кичик бизнес субъектлари учун иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини зарарсизлик таҳлили ёрдамида аниқлаш, кичик бизнес субъектлари “хаётий циклини” узайтириш, уларни барқарор ва мутаносиб ривожланишини мониторинг қилиб боришни таъминлайдиган қўшимча статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, республикамиз минтақаларида кичик бизнес ривожланиш тенденциялари, истикболларини эконометрик моделлаштириш, башоратлаш каби илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий тадқиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, Фан ва технологиялар Марказининг «Минтақа иқтисодиётини бошқаришни ташкил этишнинг илмий асослари» мавзуидаги (№ ИД-1-1-04.2005 й.) инновацион дастури доирасида бажарилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Урганч Давлат университетларига берилган ОТ-Ф7-133 «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги (31.07.07й. даги № 156 буйруққа 1-илова)

¹ Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. –380 с., Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б., Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. - 36 с., Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. - Ташкент.: Фан, 1991., Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарканд вилояти мисолида): икт.фан.док. дис.автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 1998. - 46 б., Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - 154 с., Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): икт. фан. док. дисс....автореф. -Т.: ТДИУ. 2000.-38 б., Мухаммедов Ю.Қ. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари.: икт.фан.док. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ. 2006. -38 б., Атанязов Б.Управления развитием экономико-экологических систем. -Т.: Фан, 1998. - 124 с., Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика.- Т.: Fan va texnologiya, 2007. - 612 с., Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.Х., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. -Т: Fan va texnologiya, 2007. – 575 с.

фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурини бажариш бўйича илмий изланишлар доирасига киради.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда устувор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиш замини, генезиси, шаклланиши босқичлари ва тенденцияларини аниқлаш, иқтисодий-статистик таҳлил қилиш асосида тизимли баҳолаш ва тараққиёт қонуниятларини асослаш;

- кичик бизнес субъектлари ташқи бизнес муҳитининг ички ресурс ва имкониятлардан фойдаланишга таъсирини катта сонлар қонуни ва тақсимот эҳтимоллари функциялари ёрдамида баҳолаш;

- республикамизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда амалга оширилган институционал ўзгаришлар, тадбиркорликнинг устувор йўналишларини рағбатлантиришнинг тузилмавий таркибини такомиллаштириш;

- кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи савдо операцияларини, солиққа тортиш тизимини, қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- миллий иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг устувор ривожланиши концепциясини, бозор механизми, жумладан, фирмаларнинг нормал фойда олиши учун рақобатчилик муҳити шароитида кичик бизнес субъектлари стратегиялари, кичик ва йирик бизнес синергиясини баҳолаш;

- макродаражада кичик ва йирик бизнес ўзаро алоқалари, ривожланиш жараёнлари, таққослама динамикасини касаначилик, локализация дастурлари таъсирида тизимли кўрсаткичлар негизида таҳлил этиш ва синтезлаш;

- кичик бизнес субъектларининг ўзаро ва тармоқдаги бошқа субъектлар билан кооперацияси тараққиётини башоратлашнинг моделлари ва услубларини ишлаб чиқиш;

- республика ва унинг минтақаларини кичик бизнес тараққиёти бўйича оптимал гуруҳлаш услубиятини яратиш;

- республикамиз ва айрим минтақаларда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларидаги тафовут, фойдаланилмаган имкониятларни очиб беришни сценарий усули, эксперт-ҳамкорлик тизимлари ёрдамида даврий баҳолаш ва башоратлаш;

- КБХТ ни устувор ривожланишини таъминлайдиган илмий ишланмалар, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ва айрим минтақалардаги кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, кичик бизнес ривожланишини моделлаштириш ва башоратлаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнесни ривожлантиришга оид Қонунлари, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш бўйича фундаментал асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чет эллик ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Давлат монополиядан чиқариш, рақобат ва табиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идоралар материаллари ҳамда статистик маълумотлари ташкил этди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик ва жараёнларни билишнинг турли илмий усуллари: иқтисодий тизимларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндошув, абстракт-мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, қиёсий ва кластер таҳлил, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, статистик, эконометрик моделлаштириш ва башоратлаш усуллари қўлланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

-миллий иқтисодий эркинлаштириш шароитида республикамизда кичик бизнесни ривожланиш босқичлари, таснифланиши, тенденциялари ва уларни баҳолашнинг назарий-услубий асослари;

-республикамизда кичик бизнес субъектларининг ривожланиш қонуниятлари ва генезиси, рақобатчилик муҳити ҳамда антимонопол сиёсатнинг такомиллашуви асосидаги кичик ва йирик бизнес стратегиялари, фойда олиш даражасини нормал тақсимот қонунига мослиги ҳақидаги илмий-назарий ғоялар;

-зарарсизлик нуқтаси ва талабнинг нархга нисбатан эластиклиги таҳлили асосида кичик бизнес субъектлари учун иқтисодий тармоқлари жозибadorлигини баҳолаш услуби;

-кичик бизнес субъектлари ташқи савдо операцияларини, солиққа тортиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар;

-кичик ва йирик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини моделлаштириш услуби ва маҳаллийлаштириш дастурларининг ижобий имкониятларини уйғунлаштириш ғоялари;

-кичик бизнес субъектлари "ҳаётий цикли" ни узайтириш, барқарор ва мутаносиб ривожланишини мониторинг қилиш ҳамда кичик бизнес статистикасини такомиллаштирувчи кўрсаткичлар тизими;

-иқтисодий тармоқларида кичик бизнес субъектлари ривожланиш даражалари барқарорлигини Д.Мак-Дональднинг "яшовчанлик матрицаси" ёрдамида баҳолаш ва кичик бизнес устувор тармоғини белгилаш, кичик бизнес ривожланганлиги бўйича республика минтақаларини оптимал гуруҳлаш алгоритми ва услублари;

-республикамизда аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишга йўналтирилган кичик бизнеснинг табақалашуви ва диверсификациялашувини тезлаштирадиган, инновацияларни жадаллаштирувчи таклиф ва ҳулосалар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида кичик бизнес субъектларининг ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий, услубий ва амалий асослари такомиллаштирилган бўлиб, унинг асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммо-

лар янгича ҳал қилинган, хулосалар ва тавсиялар таклиф этилган. Жумладан:

а) илмий – назарий жиҳатдан:

-республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиш босқичлари ишлаб чиқилиб, таснифланиши ва тенденцияларини баҳолашнинг назарий асослари такомиллаштирилган;

-мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини катта сонлар қонуни ва тақсимот эҳтимоллиги функциялари орқали баҳолаш услуги таклиф этилган;

-мустақилликдан кейинги йилларда кичик бизнеснинг ривожланиши эксперт-ҳамкорлик тизими ёрдамида даврий баҳоланган ва реал амалиёт билан мослиги асосланган;

-республикамизда кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларнинг корхоналарни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти илмий таҳлил этилган, муҳим йўналишлари яхлит тизимга туширилган;

б) илмий – услубий жиҳатдан:

-кичик бизнес субъектларининг генезиси, ривожланиш қонуниятлари, банкротлик сабаблари, ўзаро қўшилиш, кичик ва йирик корхоналар синергияси, антимонопол сиёсат, монополияларни чеклаш, рақобатчилик муҳити ва механизми муаммолари билан боғлиқликда чуқур тадқиқ этилган;

-касаначилик асосидаги кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқаларини моделлаштириш услуги ишлаб чиқилган;

-“яшовчанлик матрицаси” ёрдамида республикамиз иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнеснинг барқарор ва устувор тармоқлари баҳоланган;

-кичик бизнес ривожланганлик даражаси бўйича республика минтақаларини оптимал гуруҳлаш алгоритми ва услуги ишлаб чиқилган;

в) илмий – амалий жиҳатдан:

-кичик бизнес субъектларида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқталари илк бор муайян минтақа иқтисодиёти тармоқлари кесимида тадқиқ этилган;

-кичик бизнес субъектларини банкротликдан сақлаб қолиш, уларни “ҳаёт циклини” мониторинг қилиш, барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида яшовчанлик, очилиш, сўнувчанлик, кооперациялашув коэффициентлари таклиф этилган;

-кичик бизнес ривожланиш жараёнларини таҳлил этиш ва синтезлашнинг хусусий ва интеграл кўрсаткичлари таклиф этилган;

-республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиши сценарий усули ва эксперт-ҳамкорлик тизимлари ёрдамида баҳоланган ҳамда башорат қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацион изланишда эришилган илмий натижалар республикамиз ва минтақалар иқтисодиётида кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини ва истикболларини турли эконометрик моделлар ва башорат усуллари асосида баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган.

Мазкур ишда таклиф этилган услублар, унинг натижалари тегишли вазирликлар, ташкилотлар, минтақавий ва маҳаллий маъмурият органлари фаолиятида турли йўналишларда қўлланилган ва келгусида ҳам фойдаланилиши мумкин. Жумладан:

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таснифи, мезонлари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқишда;

-келгуси илмий тадқиқот ишларида кичик ва йирик бизнеснинг касаначиликдан бошқа шаклдаги кооперацион алоқаларини моделлаштириш услубларини ишлаб чиқиш ёки амалиётда ҳамкорлик самарасини асослашда;

-кичик бизнес статистикасини такомиллаштириш, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мутасадди юқори давлат, нодавлат органлари, уларнинг жойлардаги бошқармалари, бўлимлари томонидан субъектлар “хаёт цикли” давомийлигини, иқтисодиёт тармоқлари, минтақаларда мутаносиб ривожланишини мониторинг қилишда;

-келгуси илмий тадқиқот ишларида ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи тегишли давлат, нодавлат органлари томонидан минтақаларда бизнес учун иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини ва барқарорлигини зарарсизлик таҳлили ҳамда “яшовчанлик матрицаси” ёрдамида баҳолашда;

- Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-инкубаторлар ва техно-парклар Ассоциацияси ва бошқа кичик бизнес субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи органлар томонидан кичик бизнес ривожланишини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари кесимида даврий баҳолаш, оптимал гуруҳлаш ва шу асосда макро ҳамда микродаражаларда тегишли қарорлар қабул қилишда;

- иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида мавзуга оид ёки яқин фанларни ўқитишда, аспирантлар, илмий ходимлар ва кичик бизнес муаммолари билан қизиқувчи кенг тадқиқотчилар доираси томонидан шу йўналишда илмий ишлар олиб боришда ва ҳ.к.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (19.12.2006 й.даги далолатнома № 05-312/8 маълумотнома, 22.03.07 й.), Бизнес-инкубаторлар ва Технопарклар ассоциацияси (№ 01/67-далолатнома, 20.04.2006 й.), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатаси (№11/АШ-07-1580 маълумотнома, 18.09.07 й.), Хоразм вилояти Ҳокимлиги заҳира кадрларни тайёрлаш ўқув курсларида, ахборот-таҳлил гуруҳи амалий фаолиятида ҳамда вилоятда КБХТ ни ривожлантиришнинг минтақавий дастурини ишлаб чиқишда (№ 6-1237 далолатнома, Хоразм вилояти Ҳокимининг № 155, 11.11.2005 й., № 228, 20.11.2006 й., № 30, 23.02.2008 й. Қарорлари, № 8-98-маълумотнома, 16.01.2007 й.), вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (№ 06-177 далолатнома, 04.12.2007 й.) амалий фаолиятларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертациядаги айрим таклифлар ва материаллар Урганч давлат университети (маълумотнома № 204/2, 03.09.07 й.) нинг иқтисодиёт факультети ўқув жараёнларида “Тадбиркорлик асослари”,

“Иқтисодий математик моделлар ва усуллар”, “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаш”, “Статистика”, “Микроиқтисодиёт”, “Минтақа иқтисодиёти” фанларини ўқитишда кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари муаллиф томонидан республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари ҳамда семинарларида, жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Буюк Британиянинг Ноттингем-Трент университети (Тошкент-Ноттингем, 2001 й., ТДИУ, 2005), Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясида (Москва. 2002, 2007 йй.), Тошкент молия институтида (Тошкент. 2001, 2005 йй.), Жанубий Қозоғистон «Улағат» академиясида (Қозоғистон. Шимкент. 2003 й), Хоразм Маъмун академиясида (2005, 2006 йй.), Ўзбекистон Республикаси Солиқ академиясида (2003 й. ноябр), Банк-молия академиясида (2007 й. 29 сентябр), Урганч давлат университетида (2001-2007 йй.), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида (2006 й., май), ХХР нинг Шанхай (Хитой. Шанхай. 2006 й., ноябр), Австриянинг Вена (Австрия. Вена. 2003 й., Ноябрь), Малайзиянинг MARA Технология университетларида (Малайзия. 2007 й., май) маъруза қилинган ва муҳокама этилган.

Диссертация иши, шунингдек Ўзбекистон Фанлар Академияси Математика ва инфорамцион технологиялар институти, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д 067.06.01 Ихтисослашган кенгашнинг 08.00.06-“Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича Муаммовий илмий кенгаш семинарларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами ҳажми 50 босма табоқдан ортиқ бўлган 38 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 23 та мақола журналларда ва 12 та тезислар илмий тўпламларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 298 бетдан иборат бўлиб, унда 33 та жадвал, 30 та расм, фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, тадбиқ этилганлиги, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

Биринчи боб - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, унда кичик бизнеснинг мазмун ва моҳияти, назарий жиҳатлари, таснифлари, самарадорлиги ва ривожланган мамлакатларда ҳамда республикамизда мулкдорлар синфининг шаклланиш хусусиятлари, чет мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириш, молиявий, ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш шакллари, республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш шарт-шароитлари, иқтисодиётимизда тутган ўрни ҳамда тараққиёт босқичлари тадқиқ этилган.

“Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожланиш даражаси ва тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг методологик асослари” номли **иккинчи бобда** кичик бизнес субъектларининг фаолияти катта сонлар қонуни ва тақсимот эҳтимоллари ёрдамида таҳлил қилинган, кичик бизнес субъект-

ларининг зарарсиз ишлаш нуқталари иқтисодиёт тармоқлари кесимида, Хоразм вилояти кўрсаткичлари мисолида чуқур таҳлил этилган. Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг оптимизацион моделлари ва улар асосида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари муаммолари қараб чиқилган.

“Кичик бизнес ривожланишининг ички ва ташқи омиллари ҳамда рақобатбардошлигини баҳолаш” номли **учинчи бобда** кичик бизнес субъектлари ривожланишининг даражалари ва барқарорлигининг иқтисодий таҳлили, кичик бизнес ривожланишининг эҳтимолли иқтисодий моделлари ва эксперт-ҳамкорлик тизимлари, кичик ва йирик бизнеснинг касаначилик ҳамда маҳаллийлаштириш дастурлари кооперацион алоқаларини моделлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

“Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес генезиси ва устувор соҳалар тараққиётини асослаш” деб номланган **тўртинчи бобда** кичик бизнеснинг ривожланиш қонуниятлари, солиққа тортиш, назорат, сертификатлаш, лицензиялаш, санация ва банкротлик масалалари, миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва рақобатчилик муҳити, монополияларни чеклаш, кичик бизнес стратегиялари, кичик ва йирик бизнес синергияси муаммолари тадқиқ этилган.

Илмий ишнинг “Кичик бизнес ривожланиш салоҳиятини баҳолаш ва истикболини башоратлаш моделлари” деб номланган **бешинчи бобда** миллий иқтисодиётда кичик бизнес ривожланишининг самарадорлиги кўрсаткичлари тизими, республика минтақалари кесимида кичик бизнесни оптимал гуруҳлаш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда мазкур соҳанинг ривожланиш тенденциялари турли усуллар ёрдамида баҳоланган ва башоратланган.

Илмий ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий ғоялар, илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари. Мустақилликнинг илк йилларида республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари иш тажрибаси, уларнинг йирик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. Жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, кичик бизнес субъектлари секторини ривожлантириш турли товар бозорларида ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, катта шаҳарларда ва айниқса қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан ҳамда маҳаллий хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон яратади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонлиқа эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.”¹

Кичик бизнес субъектларини ташкил этиш зарурлиги қуйидаги ҳолатлар

¹ И.А.Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз.-Т.: Ўзбекистон, 2001 й. – 407 б.

билан ифодаланади¹:

а) биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатда хусусийлаштирилаётган, синаётган корхона ва ташкилотларда ишсизлар пайдо бўла бошлайди. Кичик бизнес субъектларини таъсис этиш натижада кишиларга янги мулк ва иш ўрнини яратишга имкон беради;

б) иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг пайдо бўлиши йирик бизнес монополизмини тугатишга имкон беради, истеъмол бозорини шакллантиради, эркин рақобат муҳитини яратади, инфратузилма объектларини ривожлантиришни тезлаштиради;

в) учинчидан, бу субъектлар иқтисодиётнинг инновацион мажмуаси асоси бўлади. Жуда тор йўналишдаги корхоналар янгиликларни жорий қилиш, сотиш, истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланишади;

г) тўртинчидан, қўшма корхоналар орқали жалб қилинувчи хорижий инвестициялар асосан кичик бизнесга йўналтирилади.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес ривожланишини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда уни келиб чиқиш ва шаклланиши боқичларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Диссертацияда таъкидланганидек, проф. А.Бусыгин дунёда тадбиркорлик назарияси шаклланишини шартли равишда “учта тўлқин”га ажратиб ўрганишни ва бугунги кунгача барча давлатлар учун умумий тадбиркорлик назарияси мавжуд эмаслигини таъкидлайди². Ўзбекистонда тадбиркорлик назарияси ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олим, проф.Ё.Абдуллаев республикамизда умумий тадбиркорликнинг тараққиётини 4 та (вужудга келиш даври - XIX аср учинчи чорагидан 1917 йилгача, турғунлик даври 1918-1985 й., жонланиш даври 1985-1991 йй, тикланиш даври мустақилликдан кейинги давр) тарихий даврларга бўлиб ўрганиш фикрини илгари суради³.

Муаллиф бу борадаги мавжуд изланишлар ва проф.Ё.Абдуллаевнинг фикрини тўлдирган ҳолда, республикамиз ҳудудида бевосита КБХТ нинг ўзига хос ривожланиш босқичларининг яхлит бир тизимини ишлаб чиқди ва республикамизда кичик бизнес ривожланишидаги ҳар бир босқичга хос бўлган характерли хусусиятларни очиқ берди (1-расм).

1-расмдан кўринадик, муаллиф Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини проф.Ё.Абдуллаевдан фарқли ўлароқ, бешта босқичга ажратади ва бу оралиқлар асосан 1989 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Диссертацияда таъкидланганидек, мустақилликдан кейинги ўтган йиллар мобайнида республикамизда бу соҳанинг ривожланишида бир қатор ижобий ва салбий тенденциялар кузатилган.

Жумладан, кичик бизнес тараққиётидаги ижобий тенденциялар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, КБХТ нинг республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидаги улушининг ўсиб бориши, яъни юқорида таъкидланганидек, 2007 йил якунларига кўра, ушбу секторнинг ЯИМ даги

¹ Дўстжанов Т.Д., Салаев С.К. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.-Урганч.: Хоразм, 1997 й.

² А.В.Бусыгин. Предпринимательство. -М.: Инфра-М.1997. - С. 13-15.

³ Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов.Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.:Меҳнат. 2000 й.

улуши 46 фоизни, бандлар сонидаги улуши 76 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон ҳудудида КБХТ нинг ривожланиш босқичлари*

I босқич (1989-1991 йй.): илмий-техник ижодиёт марказлари, кооперативлар шаклида дастлабки тадбиркорлик тузилмаларининг пайдо бўлиши, тадбиркорликнинг тажрибавий тавсифи ва кам сондаги жараён иштирокчилари, республикамизнинг мустақиллик эришиши, Қомусимизда хусусий мулкнинг эътироф қилиниши, бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этувчи бир қатор Қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан хусусий мулк негизда тадбиркорликнинг шакллана бошлаши. Бу давр кичик бизнес инфратузилмаси ва институционал қўллаб-қувватлашнинг, унинг ЯИМ даги улушининг деярли йўқлиги билан тавсифланади.

II босқич (1992-1997 йй.): бозор муносабатларининг пойдевори қўйилиши, иқтисодий ислохотлар ва хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи илк инфратузилмалар “Бизнес-фонд”, “Мадад” суғурта агентлиги, “Тадбиркорбанк”, “Бизнес мактаб” ва “Бизнес-инкубатор”лар тармоғи ва ҳ.к.ларнинг ташкил этилиши эвазига кичик корхона ва кооперативлар сонининг тез ўсиши билан тавсифланади. Ушбу даврда фаолият юритаётган субъектларнинг аксарияти савдо соҳасига тўғри келар эди.

III босқич (1998-2001 йй.): ушбу давр республикамизда макроиқтисодий барқарорликка эришиб, иқтисодий ўсишнинг бошланиши, давлат ва минтақа даражаларида кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи турли муассасаларнинг ташкил этилиши, тадбиркорлик таснифланишининг ўзгариши, синаётган ва фаолият юритмаётган субъектлар сонининг ортиши, хусусийлаштириш, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бошланиши, солиқ юкининг камая бошлаши, мамлакат ЯИМ да, иқтисодиёт тармоқларидаги фаолият юритаётган субъектлар ва иқтисодиётда бандлар сонида кичик бизнес улушининг орта бошлаши билан тавсифланади.

IV босқич (2002-2006 йй.): ушбу давр макро ва микродаражада кичик бизнесни ҳар томонлама рағбатлантиришнинг кучайиши, соҳа таснифининг ўзгариши, соддалаштирилган «бир йўла» рўйхатга олиш, сертификатлаш, стандартлаш, лицензиялаш, рухсат беришнинг жорий этилиши, фаолият юритмаётган субъектлар улуши катталиги, солиқ юкининг камайиши, ЯИМ да сектор улушининг янада ортиши, иқтисодиёт тармоқларида субъектлар оптимал нисбатининг шаклланиши, касаначилик асосидаги кооперация, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожлана бошлаши билан тавсифланади.

V босқич (2007 йилдан – ҳозирги вақтгача): ушбу давр бизнесни ихтиёрий тугатиш, турли ресурсларни эркин сотиб олишнинг соддалаштирилиши, техник ва технологик модернизациялаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг солиқ юки, фаолият юритмаётган субъектлар сони камайиши, иш ўринлари яратишда касаначилик улушининг ортиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янада ривожланиши, “2007-2010 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳудудий дастурлари” ишлаб чиқилиши билан тавсифланади.

*Манба: муаллиф ишланмаси

1-расм

2007 йилда тижорат банклари томонидан ушбу сектор субъектларига 743,7 млрд.сўм кредит ажратилди, 630 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, шуни 65 фоизи ёки 409,5 минг кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларига

тўғри келди¹.

Иккинчидан, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларининг камайиб бориш тенденцияси кузатилиб, республика минтақалари бўйича фаолият юритмаётган субъектларнинг умумий сондаги улуши 2000 йилда 20 фоиздан, 2005 йилда 13 фоизга ва 2007 йилда эса 7,2 фоизгача камайди.²

Учинчидан, ушбу субъектларнинг банк, солиқ, божхона, аудит, суғурта, бизнес-инкубатор, консалтинг ва бошқа инфратузилма субъектлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бугунги кунда КБХТ инфратузилмасининг объектлари кредит уюшмалари, брокерлик идоралари, консалтинг, бизнес марказлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли агентликлар ҳамда тузилмалар ҳисобига янада кенгайди ва улар томонидан кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 январ 2006 йилдаги ПФ-3706 сонли “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида кўра йирик ва кичик бизнес кооперацияси, касаначилик асосидаги ҳамкорлик ривожланиб юқорида таъкидланганидек, 2007 йилда жами яратилган иш ўринларининг 20 фоизи ёки 126 минги касаначилик улушига тўғри келди.

Бешинчидан, кичик бизнес субъектларининг моддий-техник ресурсларини мустаҳкамлаш, эркин сотиб олишига қулай шароит яратишнинг кенгайиши тенденцияси кузатилмоқда ва бу соҳага боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар ўз ечимини топмоқда.³ Жумладан, биржа хизматининг комисион ҳаражатлари ўртача 25 фоизгача пасайтирилди ва ўртача биржа нархларининг асоссиз ошиб кетишини олдини олиш мақсадида, биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10 фоизгача оширилди. Бундан ташқари, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари цемент, полиэтилен, газ, шифер каби монопол маҳсулотлар билан кўпайтирилди, товар позициялари 111 тадан 136 тага оширилди.

Олтинчидан, кейинги йилларда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий тармоқлари таркибий тузилиши ҳам оптимал нисбатларда шаклланмоқда. Жумладан, 2007 йилда иқтисодий тармоқлари бўйича фаолият юритаётган субъектлар сонига КБХТ субъектлари саноатда 95,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,7 фоизни, қишлоқда 93,6 фоизни, савдо ва умумовқатланишда 98,2 фоизни, транспорт ва алоқада 83,2 фоизни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 68 фоизни ташкил этди.

Еттинчидан, КБХТ субъектларини рўйхатга олиш, бизнесни бошлаш, юритиш ва тугатиш жараёнлари соддалаштирилиб, ихчамлашиб янада ойдинлаштирилди. Ҳокимиятлар ҳузурида тадбиркорларни рўйхатга олиш бўйича инспекциялар тузилиб, уларнинг зиммасига ҳужжатларни рўйхатга олиш ва

¹ Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари» га бағишланган мажлисидаги маърузаси \\\ Туркистон, 2008 йил, 9-феврал. №11. 3- бет.

² www.antiimon.uz

³ Ўша жойда:

расмийлаштириш бўйича барча жавобгарлик юклатилди, рўйхатдан ўтказиш бўйича “бир йўла” тизими жорий этилиб, муддати 5 кунга қисқартирилди, давлат рўйхатидан ўтказишни аниқ схемаси ишлаб чиқилди, бизнесни ихтиёрий тугатиш жараёни жорий этилди¹. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини мажбурий стандартлаштириш ва сертификатлаш тизими соддалаштирилди, 250 та маҳсулотларга ва 170 хил мажбурий декларация турлари қисқартирилди, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш механизми ишлаб чиқилди.²

Саккизинчидан, сўнгги пайтларда КБХТ ни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш доирасининг кенгайиб бориши ва назорат қилувчи органлар томонидан бизнесга асоссиз аралашувларнинг камайиши тенденциясининг кузатилиши ҳам ижобий ҳолдир. Диссертацияда таъкидланганидек, молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботларининг сони ва даврийлиги, назорат қилувчи органларнинг назорат ва кузатув функцияларига ёндашув тубдан ўзгарди, тадбиркорлик субъектларини молиявий-хўжалик фаолиятини режавий текширишни даврийлиги ўзгартирилди, бизнес субъектлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишларни баҳолашга ёндашиш ўзгарди, айбсизлик презумпцияси киритилди, жарима санкциялари ҳажми пасайтирилди ва баъзи ҳолларда биринчи қонунбузилиш ҳолати учун жарима солиш бекор қилинди, рухсат бериш билан боғлиқ бўлган кўпгина функциялар такомиллаштирилди ва соддалаштирилди³.

Тўққизинчидан, кичик бизнес субъектларини ривожланишидаги ижобий тенденциялардан яна бири уларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириб борилиши ҳисобланади. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов 2000 йилда 37,5 фоиздан 2007 йилда 24 фоизгача, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ 2000 йилда 24 фоиздан 2008 йилда 8 фоизгача пасайтирилди, бюджетдан ташқари Пенсия, Республика йўл ва Мактаб таълими жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди, акциз солиғи олинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи субъектлар учун солиқ солинадиган базани акциз солиғи суммасига камайтириш, уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадларда олинган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар микдорида, ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш, ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилди ва ҳ.к.⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 апрел 2007 йилдаги ПҚ-630-сонли Қарори.

² 18 май 2007 йилдаги 104-сонли Вазирлар маҳкамаси Қарори ва 4 апрел 2007 йилдаги 615-сонли Президент Қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб қилиш учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сонли ва 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш таомиллари турларини қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишни қисқартириш ва текширишлар тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоялаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.04.2007 йилдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Фармони.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида ижобий тенденциялар билан бирга бир қатор салбий тенденциялар ҳам кузатилмоқда. Жумладан, жойларда тадбиркорларнинг корхоналарни ташкил этиш, юритиш ва ривожлантиришда анъанавий тадбиркорлик шакли билан кифояланиши одатий ҳолдир. Аксарият тадбиркорлар янги, инновацион тадбиркорликни эмас, балки стихияли равишда омма орқасидан эргашиш, биров нима иш қилса, ўшани қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятини юритмоқдалар. Бу эса шарқий менталитет таъсири, тадбиркорларнинг билим даражаси, инновацион ва инвестицион фаоллиги етишмаслиги оқибатидир.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига қарамасдан, ҳамон КБХТ субъектларининг фаолият кўрсатиши ва манфаатларига зид ҳолатлар мавжуд. 2007 йилда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси томонидан 200 га яқин туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан қабул қилинган 140974 та Қарор ва Фармойишлари, шунингдек, 4597 та мурожаатлари экспертиза қилиниши натижасида 314 та ҳолатда тадбиркорларнинг манфаатларига зид ҳолатлар аниқланган. Унга кўра, ўз ечимини топмаган муаммоларнинг 22,3 фоизи банк соҳасига, улар асосан кредит олиш, миллий валютани конвертация қилиш, нақд пул олиш, пул кўчириш билан боғлиқ, 16,9 фоизи солиққа тортиш, солиқ муддатларини ўзгартириш, ставкасини камайтириш, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, текширишларни камайтириш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш билан боғлиқ, 6,0 фоизи божхона соҳасига тўғри келиб, маҳсулот ва асбоб-ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларининг юқорилиги, импорт ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларининг чўзилиши билан боғлиқ ва 9,8 фоизи маҳаллий ҳокимликларга тегишли бўлиб, булар ер, бино ажратиш, газ, электрэнергияси таъминотидаги узилишлар, коммуникациялар билан боғлиқ муаммолардир¹.

Республикамизда кичик бизнесга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг сони, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ошиб бораётган бўлсада, ҳали жойларда уларнинг етишмаслиги, инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг савияси пастлиги кузатилмоқда.

КБХТ субъектлари ривожланишида рақобатбашдорлик даражаси пастлигининг сақланиб қолиши ҳам асосий муаммолардан биридир. Диссертацияда таъкидланганидек, кичик корхона, микрофирмаларда техник ва технологик модернизациялаш жараёнларининг секин кечаётганлиги, ушбу тадбирлар учун молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, кўпчилик субъектларда узок муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш ва бизнес-режаларининг йўқлиги, тармоқ хўжалик бирлашмалари кўринишида сақланиб қолган ва тармоқ вазирлиги мақоми ёки вазифаларига эга бўлган тармоқ монополияларини мавжудлиги, рухсат олинувчи ва лицензияланувчи жараёнларни ҳамон мураккаблиги, индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг, бозорга янги кичик бизнес субъектлари кириб келишини чекловчи ва легал бизнесни амалга оширишдаги тўсиқларнинг мавжудлиги, кичик бизнес субъектлари жойлашган ва фаолият юритаётган ер участкаларини хусусийлаштириш имкониятларининг чекланганлиги, бозордаги ўз ҳукмрон мавқеини суистеъмол қилаётган хўжалик субъектлари монополиясининг ва табиий монопо-

¹ www.antimon.uz

лия бўлмаган тармоқларда баҳоларни декларациялашнинг мавжудлиги, антимонопол қонунчилиқнинг молиявий бозорлардаги таъсир доирасининг чекланганлиги уларнинг рақобатбардошлигини пасайтирувчи омиллардан ҳисобланади. Бундан ташқари, республикада кичик бизнес субъектлари фаолиятида ижтимоий тан олинган меъёр ва қоидаларга амал қилмаслик ҳолатларининг сақланиши ҳам салбий ҳолдир. Чунки, ҳамон фақат ўз манфаати учун ишлаш, ижтимоий ёки бошқа молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож нотижорат (болалар уйлари, ногиронлар интернатлари ва ҳ.к.) ташкилотларига ҳомийлик қилмаслик, ўз фаолияти туфайли атроф-муҳитни ифлослантириш, солиқлардан қочиш ёки уларни яшириш, солиқ базасини сунъий равишда камайитириш, ноқонуний пул айланмаларини амалга ошириш каби фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожланиш даражаси ва тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг методологик асослари. Бугунги кунда республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларида кичик бизнеснинг улуши ортиб бораётган бўлсада, ушбу соҳани янада ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ва бандлигини ошириш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Шу сабабли, ушбу соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, республикада ҳамда минтақаларда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш, соҳани устувор ривожлантириш ва истиқболларини белгилашга қаратилган эконометрик моделлаштириш, башоратлаш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Бу борада олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотлар етарли эмас ёки тадбиркорликнинг назарий муаммоларига бағишланган. Жумладан, Ўзбекистонда тадбиркорликни эконометрик моделлаштиришга муҳим ҳисса қўшган олимлардан проф.Б.Ходиев илмий ишларида тадбиркорликни иқтисодиётнинг баъзи тармоқлари, жумладан қишлоқ хўжалиги билан бевосита, умумий боғлиқ ҳолда таҳлил этган. У моддий ишлаб чиқариш тармоқларида тадбиркорлик ривожланишининг эконометрик моделлари тизимини ишлаб чиқиб, ҳисоб-китобларни қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга оширгани ҳолда тадбиркорликни моделлаштирди. Шунингдек, у ўз тадқиқотларида тадбиркорлик қарорларини оптималлаш усуллари, кичик ва ўрта бизнесда фойда даражасини ошириш ва баҳолар мувозанати масалаларини, эконометрик моделлар идентификацияси муаммоларини қараб чиқди.¹

Бугунги кунга келиб эса (III-V босқичлар) бу борада анча ўзгаришлар рўй берди. Олдинги даврда (III босқич) кичик бизнес субъектларининг асосий улуши қишлоқ хўжалиги, савдо соҳасига, ЯИМ нинг эса атиги 12,1 фоизи кичик бизнесга тўғри келган. IV босқичда эса, кичик бизнес субъектларининг тармоқ ва минтақавий тузилиши ўзгарди. Бу эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари савдо ва умумовқатланиш, саноат, транспорт ва алоқа, бозор инфратузилмаси объектлари мисолида ёки республика минтақалари миқёсида кичик бизнесни моделлаштириш масаласини долзарб қилиб қўяди. Иккинчидан, ўтган давр мобайнида кичик бизнеснинг таснифлаш тизими тубдан ўзгарди. Учинчидан, юқоридаги ёндошувда кичик бизнес, тадбиркорлик таҳлиliga «тадбиркорлик» номи остида умумий нуқ-

¹Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт.ф.ан.док.дисс. - Т.: ТДИУ. 2000. – 338 б.

таи-назардан ёндошилган. Ваҳоланки, у мезонга бир қатор субъектларни, жумладан, кичик, йирик корхона, микрофирма, якка тадбиркорларни киритиш мумкин.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришда моделлаштирилаётган субъект ёки тармоқнинг хусусиятлари ва аниқ ташкилий-ҳуқуқий мақоми ҳамда улар тадбиркорликнинг қайси турига ёки шаклига мансублигига эътибор қаратиш лозим.

Моделлаштирилувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, унинг иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғи моделлари бошқа тармоқ моделларидан фарқ қилади. Бундан ташқари, тадбиркорликни тармоқ ёки минтақа даражасида моделлаштиришда умумий нуқтаи назардан талқин этишга кўра, тадбиркорлик субъектларини кўлами (йирик, кичик) бўйича алоҳида ёки умумий минтақалар, тармоқлар кесимида моделлаштириш, кичик ва йирик бизнеснинг умумий иқтисодиётдаги улушларининг нисбатларини моделлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи М.Умарходжаева кичик бизнесни ривожлантиришнинг италянча моделини таҳлил этгани ҳолда, корхоналар таснифий мезонларига ходимлар сони билан бирга инвестициялар ҳажмини ҳам киритишни тавсия этади. Унинг фикрича, кичик бизнесни ривожлантириш учун ихтисослашган ишлаб чиқариш ҳудудларини – кластерларни яратиш ёки констелляция (итальянча “constellazione”- юлдузлар туркуми) Италия тажрибасини республикамизда қўллаш лозим. Констелляция - ишлаб чиқаришни ўрта ёки охириги босқичларига ихтисослашган бир неча корхонадан иборат кооперация бўлиб, бунда битта фирма етакчи бўлиб, қолганлари ўз ишлаб чиқаришини шунга қараб мослаштиради¹.

Тадқиқотчи Ш.Шодмонқулов кичик бизнес субъектларини маркетинг нуқтаи назаридан таҳлил этиб, харидор диққатини тортиш, турли маркетинг асосида сотишни ташкил этиш, қондириладиган талаб миқдори бўйича корхоналарни таснифлашни ва SWOT таҳлилинини амалга оширган².

А.Б.Югай нон ва макарон ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларини моделлаштиргани ҳолда, корхона бизнес режаси ва унинг молиявий натижаларини шакллантириш алгоритминини қурган, аҳолининг нон ва макарон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, ишлаб чиқариш ҳажмлари башоратинини амалга оширган ва самарадорлигини баҳолаган³.

Юқоридаги таҳлиллар, ҳақиқатан ҳам ҳали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишинини моделлаштириш ва башоратлаш борасида амалга оширилган тадқиқотлар конкрет бир субъектлар ёки тармоқ доирасидаги муаммоларгагина бағишланганлигини ва ушбу йўналишда ўз ечимини кутаётган жуда кўп долзарб илмий-назарий, услубий ҳамда амалий муаммолар мавжудлигини ифодалайди.

Муаллиф фикрича, кичик бизнеснинг ривожланиш жараёни бевосита у ёки бу мамлакатда амал қилаётган иқтисодий механизмлар ва тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ривожланган мамлакатларнинг миқдор кўрсаткичлари ва кичик бизнес ривожланиш тажрибасини Ўзбекистондаги амалиёт билан таққослаганда, албатта, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ри-

¹Умарходжаева М.Г. Италияда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши: иқт.фан.ном....дисс. – Т.: ТДИУ, 2004. – Б. 34-53.

²Шодмонқулов А.А. Кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши (пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида): иқт.фан.ном. ...дисс. – Т.: ДЖҚА, 2004. – 143 б.

³Югай А.Б. Моделирования процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса: дисс.на соис.....канд.экон.наук. Т.:ТГЭУ. – 2004. – С. 134.

вожланиш даражаси, миллий иқтисодиётининг тармоқ тузилиши ва бошқа ижтимоий-маданий хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Кўпгина ривожланган давлатларда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес таснифланади: бандлик, хусусий корхоналар сони, уларнинг миллий даромаддаги улуши.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил қилишда эконометрик услубнинг биноминал, Пуассон, даражали, нормал тақсимот, Стюдент, Фишер-Синекорд, χ^2 -квадрат ва катта сонлар қонунларига мослиги алоҳида аҳамиятга эга. Бизнесни тақсимот қонунлари ёрдамида башоратлаш, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва мезонлари бўйича тақсимлаш ва шу асосда мамлакатда ёки унинг минтақаларида ривожланиш истиқболларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Диссертацияда Хоразм вилоятида кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдорлари эмпирик ва назарий частоталарининг тақсимот зичликларини таҳлил қилиш учун иқтисодиёт тармоқларидан, жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва савдо корхоналаридан 300 та субъект танлаб олинган. Ушбу субъектлар бир хил шароитларда фаолият юритишларига қарамасдан, уларнинг ўртача фойда миқдорлари бир-биридан сезиларлича фарқланган. Сўнгра статистик тўплам 6 та гуруҳга ажратилган. Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари фойда миқдорлари бўйича ўртача қиймат атрофида тўпланиш ва тақсимот четлари бўйича камайиш тенденциясига эга (1-жадвал).

1-жадвал

2006 йилда Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқларида КБХТ субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича назарий частоталарини ҳисоблаш*

$\ln \bar{x}_i$	m	$\ln \bar{x}_i \cdot m$	$\ln \bar{x}_i - \ln x_i$	$(\ln \bar{x}_i - \ln x_i)^2$	$\frac{\ln x_i - \ln \bar{x}_i}{\sigma}$	$F(t_i)$	m'
1,0613	12,9	13,6902	-1,0058	1,0116	-1,6763	0,0475	13,8
1,4943	17,7	26,4483	-0,5728	0,3281	-0,9547	0,1711	12,4
1,9489	21,1	41,1219	-0,1181	0,0140	-0,1969	0,4247	25,3
2,3171	18,4	42,6343	0,2500	0,0625	0,4167	0,6591	23,4
2,6780	15,9	42,5803	0,6110	0,3733	1,0183	0,8438	18,5
2,8736	14	40,2299	0,8065	0,6505	1,3442	0,9099	6,6
	100	206,7048		2,4399			100
		$\ln x_i = 2,067$					

*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

бу ерда: $\ln x_i$ -корхоналарнинг фойдалилиги бўйича гуруҳлар ўртачаси, m - корхоналарнинг гуруҳдаги улуши, % да

Ушбу нисбий катталиклар тақсимотининг график тасвири чап томонлама асимметрия ва ўткир учга эга. Бу белгилар эса, кичик бизнес субъектларида ўртача фойда шаклланиши жараёнларини аниқлаш учун логнормал тақсимотни танлаш зарурлигидан далолат беради. Бу функциянинг қулайлиги шундаки, нисбий катталикларнинг логарифмлари катталикларнинг ўзларига қараганда Ляпунов теоремаси талабларига жавоб беради.

Шу сабабли, Хоразм вилоятида кичик бизнес субъектлари ўртача фойда миқдорлари бўйича логнормал тақсимотга бўйсунди деб айтишга асос бор.

Тақсимотнинг назарий қийматларини ҳисобланганда $\overline{\ln x_i} = 2,067$, $\nu = 5$ %, $\sigma = 0,6$. Назарий тақсимотнинг эмпирик тақсимотга яқинлигини баҳолаш учун Пирсон мезонидан фойдаланилди.

$$\chi_n^2 = \frac{(m_1 - m'_1)^2}{m'_1} + \frac{(m_2 - m'_2)^2}{m'_2} + \dots + \frac{(m_n - m'_n)^2}{m'_n} \quad (1)$$

2006 йилда, Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқлари бўйича кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича эмпирик ва назарий частоталарини ҳисоблаш натижалари қуйидагича бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

2006 йилда Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича эмпирик ва назарий частоталари*

Фойда оралиқлари, млн.сўм	Ҳақиқий частота m , фоиз	Оралик ўртаси, млн.сўм	Назарий частота, m' фоиз	Пирсон χ^2 ҳисоби	
				$(m - m')$	$\frac{(m - m')^2}{m'}$
4,0-6,0	12,9	5,0	13,8	-0,9	0,05
6,0-8,0	17,7	7,0	12,4	+5,3	2,26
8,0-10,0	21,1	9,0	25,3	-4,2	0,69
10,0-12,0	18,4	11,0	23,4	-5,0	1,06
12,0-14,0	15,9	13,0	18,5	-2,6	0,36
14,0-16,0	14	15,0	6,6	+7,4	8,3
	100		100		12,7

*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

Диссертацияда таъкидланганидек, 2006 йилда Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқлари бўйича субъектларнинг ўртача фойда миқдори бўйича эмпирик ва назарий частоталари ҳисобланганда, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо соҳалари кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдори тақсимои нормал тақсимот қонунига мос бўлиб, саноатда эса бинормал тақсимотга мос келади, иқтисодий нуктаи назардан юқоридаги учта тармоқларда кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдорлари маълум бир ораликда деярли текис тақсимланган ва шу ораликда тебраниб туради. Саноатда эса ўртача фойда миқдорлари иккита ораликда тақсимланган.


Кичик бизнес субъектларининг барча тармоқлар бўйича умумий олинган ўртача фойдалари тақсимои логнормал тақсимот қонунига мос келади. Муаллиф тадқиқотида кўра, 2006 йилда КБХТ субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича эмпирик ва назарий частоталари 14,0-16,0 млн.сўм оралиғидан ташқари, қолган барча ораликларда кам фарқ билан устма-уст тушди ва эҳтимоллик қарийб 88 фоизни ташкил этди. 2010 йилгача бўлган даврда эмпирик ва назарий частоталар башоратининг тақсимои графиги қуйидагича бўлди (2-расм).

2010 йилда КБХТ субъектларининг ўртача фойда бўйича эмпирик ва назарий частоталари, қатор омиллар, жумладан, рақобат муҳитининг кучайиши, ўртача фойда миқдорининг пасайиш тенденцияси, янги инновацион тармоқларнинг пайдо бўлиши, субъектлар сонининг қарийб 1,5 марта ўсиши туфайли устма-уст тушади.

Кичик бизнес субъектларининг ривожланиш ҳолати уларнинг зарарсизлик нуктасига боғлиқ. Зарарсизлик нуктаси баъзи иқтисодий адабиётларда «ўлик

нуқта», ишлаб чиқаришнинг «критик ҳажми», «рентабелликнинг чегаравий нуқтаси», «ноллик фойда нуқтаси» деб ҳам аталади.

2006-2010 йилларда Хоразм вилояти КБХТ субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича ҳақиқий ва назарий частоталарининг башорати графиги*



*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

2-расм

Зарарсизлик нуқтаси маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш учун зарур бўлган минимал тушум ҳажмини кўрсатади.

Муаллиф фикрича, мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектлари қайси миқдоргача ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириб боришлари, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ресурслардан қайси бирини қискартиришлари (оширишлари) ёки параллел қискартиришлари (оширишлари) кераклиги каби иқтисодий қарорларни қабул қилишда кўлам самарасидан муваффақиятли фойдаланишлари лозим.

Юқорида таъкидланганидек, зарарсизлик нуқтаси даромад миқдори барча харажатларни қоплашга етарли бўладиган ишлаб чиқариш ҳажмидир. Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш учун учта кўрсаткич зарур бўлади: F – доимий харажатлар; V – ўзгарувчан харажатлар; R – ялпи даромад. Зарарсизлик нуқтаси қуйидагича келтириб чиқарилади: умумий харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндисидан иборат бўлгани учун харажатлар функцияси қуйидагича бўлади:

$$C = F + V = F + AV * Q = F + \frac{AV * Q_k}{P * Q_k} * PQ = F + \frac{V_k}{R_k} * R, \quad (2)$$

бу ерда, V_k ва R_k – мос равишда ўзгарувчан харажатлар ва даромаднинг кузатилган қийматлари. (2) - ни ва $C=R$ ни ҳисобга олиб,

$$R=C \Rightarrow R = F + \frac{V_k}{R_k} * R \Rightarrow R^* = \frac{F}{1 - (\frac{V_k}{R_k})}, \quad (3)$$

R^* корхона зарарсиз даражага эришиш учун қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши зарурлигини билдиради. Даромад ва харажат функциялари кесишган нуқта зарарсизлик нуқтасини, $R_k > R^*$ оралиқ фойда ва $R_k < R^*$ оралиқ эса зарар зоналарини ифодалайди.

Тадқиқотда тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектларининг зарарсизлик даражаларини аниқлаш учун 2006 йилда Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқ-

ларидан савдо соҳасидан 127 та, саноатдан 64 та, қурилиш соҳасидан 43 та, маиший хизматдан 66 та кичик корхоналар танлаб олиниб, уларнинг зарарсизлик нуқталари аниқланди ҳамда мазкур корхоналарда даромад ва харажатлар миқдори бир-биридан кескин фарқ қилгани учун зарарсизлик нуқталари ҳам шундай фарқ қилади. Шу боис гуруҳлаш осон бўлиши ва зарарсизлик даражасини ифодалаш учун зарарсизликка эришиш муддатига мос келувчи миқдор R^*/R_k ҳисобланиб, шу кўрсаткич бўйича корхоналар гуруҳланди.

Муаллиф фикрича, R^*/R_k миқдорнинг нолдан кичик бўлиши кичик бизнес субъекти фаолиятини тўхтатиши лозимлигини билдиради, чунки ўзгарувчан харажатлар маҳсулот нархидан ошиб кетган. $R^*/R_k > 1$ бўлса, корхона фойда зонасига эришиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши кераклигини билдиради.

R^*/R_k миқдор қийматига қараб кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини тугатиш, нархларни қисқа муддатли ёки умуман пасайтириш, активларини камайтириш, даромадини ошириш, рекламани кучайтириш, сотишни рағбатлантириш, активларини ликвидлаштириш ёки сотиш каби тадбирлардан бирини амалга оширади.

Тадқиқотда юқори меҳнат унумдорлиги савдо ва ишлаб чиқариш соҳасида кузатилганлиги қайд этилган. Савдода ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги 12 млн.536 минг сўмни, саноатда 3 млн. 220 минг сўмни, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишда эса мос равишда 2 млн. 90 минг сўм ва 846 минг сўмни ташкил этган. Бир ишчига тўғри келувчи йиллик ўртача фойда миқдори эса, савдода 265 минг сўмни, саноатда 560 минг сўмни, қурилишда 326 минг сўмни, маиший хизмат кўрсатишда эса 122 минг сўмни ташкил этган. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик бизнес субъектларининг савдода ўртача рентабеллиги энг паст бўлган. Савдода 28 фоиз корхоналар зарар кўриб ишлаган бўлса, маиший хизматда бу кўрсаткич 39 фоизни ташкил этган, саноат ва қурилишда эса мос равишда 11 ва 9 фоиз бўлган. Бу эса саноат ва қурилишда қолган икки тармоққа нисбатан инвестиция қўйиш имкониятлари яхшироқ эканини кўрсатади ёки савдо тармоғида ўртача фойда нормасининг пасайишидан далолат беради.

Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар каби кичик бизнес субъектларида ҳам кутилмаганда товар ёки хизматларга талабнинг камайиши туфайли улар нархининг пасайиши, ресурслар қимматлаши ҳисобига харажатларнинг ошиб кетиши туфайли зарарсизлик даражасининг ўзгариши ва буларга нисбатан тармоқнинг «чидамлилиги»ни аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертацияда кутилмаганда талабнинг пасайиши туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг пасайиб кетиши оқибатида содир бўладиган зарарсизлик ва маржинал фойданинг ўзгариши сабабларини ўрганилган.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес субъектлари учун савдо соҳасида харажатлар 2006 йилдагига нисбатан 5 фоизга қадар ошгунча фаолият юритиш фойдалидир. Харажатлар 5 фоизга етгандан кейин савдода фаолият юритиш зарарли бўлиб қолади. Қолган уч соҳа бўйича эса харажатларнинг ошиши 15 фоизга етгунча фаолият юритиш фойдалидир. Саноат ва қурилишда харажатлар 10 фоиздан ошса, ишлаб чиқариш ҳажмини зарарсиз даражага етказиш учун мос равишда 1,25 ва 1,17 мартага ошириш лозим бўлади, бунда маржинал фойда ҳам мос равишда 2,4 ва 1,9 марта пасаяди. Маиший хизматда эса харажатлар ошиши

12 фоиздан юқори бўлса, зарарсизликка эришиш учун ишлаб чиқаришни 1,06 марта ошириш зарур ва бунда маржинал фойда 3,6 марта пасаяди, 10 фоизда эса маржинал фойда пасайиши 1,9 мартани ташкил этади (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқлари бўйича 2006 йил ҳолатига кичик бизнес субъектларида товар ва хизматлар нархи пасайиши натижасида зарарсизликка эришиш ва маржинал фойданинг ўзгариши, % да*

Товар ва хизматлар нархи пасайиши, фоиз	Савдо	Саноат	Қурилиш	Маиший Хизмат
0	<u>0,31</u> 0,074	<u>0,52</u> 0,327	<u>0,61</u> 0,363	<u>0,25</u> 0,377
3	<u>1,12</u> 0,04	<u>0,57</u> 0,306	<u>0,64</u> 0,344	<u>0,32</u> 0,358
5	<u>- 9,97</u> - 0,005	<u>0,68</u> 0,269	<u>0,74</u> 0,309	<u>0,37</u> 0,324
8	<u>- 0,62</u> - 0,093	<u>0,97</u> 0,206	<u>1</u> 0,249	<u>0,49</u> 0,265
10	<u>- 0,3</u> - 0,214	<u>1,88</u> 0,117	<u>1,68</u> 0,166	<u>0,79</u> 0,183
12	<u>0,19</u> - 0,38	<u>- 82,72</u> - 0,03	<u>6,08</u> 0,052	<u>2,28</u> 0,072
15	<u>0,14</u> - 0,623	<u>- 1,64</u> - 0,18	<u>- 3,22</u> - 0,115	<u>- 2,1</u> - 0,092

Изоҳ: суръатда зарарсизликка эришиш, маҳражда маржинал фойданинг ўзгариши

*Манба: Хоразм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мазкур таҳлил тармоқлар зарарсизлик нуқталарининг харажатлар ошишига сезгирлиги таҳлили деб аталади ва статистик маълумотларга кўра таҳлил қилинган тўртта тармоқ бўйича харажатлар ошишига нисбатан барқарор тармоқ маиший хизмат соҳасидир. Савдо фаолияти энг ўзгарувчан тармоқ бўлиб, қурилиш ва саноат соҳалари мос равишда иккинчи ва учинчи ўринда туради.

Бу маълумотлар инвесторларга қайси соҳаларга пул қўйилса, пулнинг тез қайтиб келиши таъминланиши, фойда даражаси эса юқори бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Давлат органларига эса фискал сиёсатни юритишда миллий иқтисодиёт устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда табақалашган солиқ ставкаларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатади. Лекин, таъкидлаш жоизки, савдо соҳаси харажат ошишига нобарқарор деб топилган бўлсада, бу соҳа иш бошланишидан олдин дастлабки сармояни энг кам талаб қилувчи, қурилиш эса энг кўп талаб қилувчи тармоқ ҳисобланади.

3-жадвал маълумотларига биноан, савдо соҳасида товар ва хизматлар нархларининг 3 фоизга пасайиши зарарсиз даражани таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳажмини 1,12 мартага оширишни тақозо этиб, 5 фоиздан ортиқ нарх пасайиши бу фаолиятни мутлақо самарасиз бўлишига олиб келади.


Агар товар ва хизматларнинг нархи 2006 йилдагига нисбатан 10 фоизга пасайса, саноатда зарарсиз даражани таъминлаш учун ишлаб чиқаришни 1,88 марта ошириш зарур бўлади ва маржинал фойда миқдори 2,8 мартага пасаяди.

Агар нарх 12 фоиздан ортиқ пасайса, тармоқда фаолият кўрсатиш самарасиз бўлиб қолади. Қурилишда товар ва хизматлар нархлари 10-12 фоизга пасайса, ишлаб чиқаришни мос равишда 1,68 ва 6,08 мартага ошириб зарарсиз ишлаш даражасини таъминлаш мумкин. Бунда тармоқда маржинал фойда 7 мартагача камаяди ва нархлар пасайиши 15 фоиздан ортса, соҳада фаолият юритиш самарасиз бўлиб қолади.

Маиший хизматда 2006 йилдагига нисбатан худди шундай нарх пасайишида зарарсизликни таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳажмини 2,28 марта ошириш лозим бўлади ва маржинал фойда даражаси 5,2 мартага камаяди. Агар товар ва хизматлар нархлари 15 фоиздан ортиқ пасайса, соҳада фаолият юритиш фойдасиз бўлиб қолади. Демак, талабдан таклифнинг ортиши туфайли тармоқларда товар ва хизматлар нархси пасайишига нисбатан барқарор тармоқ маиший хизмат ва энг ўзгарувчан тармоқ эса савдо соҳасидир.

Кичик бизнес ривожланишининг ички ва ташқи омиллари ҳамда рақобатбардошлигини баҳолаш. Республикамиз иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнесни ривожланиши барқарорлигини таҳлил қилиш, истиқболларини аниқлашда Д.Мак-Дональднинг “яшовчанлик матрицаси” дан самарали фойдаланиш мумкин. Тадқиқот давомида муаллиф томонидан “яшовчанлик матрицаси” орқали республикамизда 1992-2007 йилларда иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнесни ривожланиши баҳоланган (3-расм).

Ўзбекистон республикасида 1992-2007 йилларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича КБХТ субъектларининг “яшовчанлик” матрицаси*



*Манба: Д.Мак-Дональднинг “яшовчанлик матрицаси” асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

3-расм

I квадрантда жойлашган иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес субъектлари (қурилиш, транспорт ва алоқа, хизмат кўрсатиш ва сервис 1992-1997 йиллар, саноат 1997-2007 ва савдо 2007 йиллар) нинг рентабеллик даражаси ва нисбий бозор улуши, замонавий менежмент ва маркетинг режалаштириш даражалари, товар ва хизматлар сотувлари ҳажми паст. Ушбу квадрантда

жойлашган тармоқларда техник ва технологик модернизациялаш, замонавий менежмент, маркетинг тадбирлари амалга оширилмаса кичик бизнес стратегик ва тактик жihatдан ҳам ривожланмайди, соҳада кичик бизнес истиқболи хавф остида қолади ва бизнес секин аста “ўлади”.

II квадрантда жойлашган иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес субъектлари (саноат, савдо ва умумовқатланиш 1992 й., хизмат кўрсатиш ва сервис, транспорт ва алоқа 2002 й., қурилиш 2002-2007 йй.)нинг рентабеллик даражаси юқори, аммо товар ва хизматлар сотувлари ҳажми паст ва тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари бозорда узоқ муддатли ҳамда самарали фаолият юритиш учун пухта ишлаб чиқилган стратегия асосида қарорлар қабул қилишлари лозим.

Бу квадрантда жойлашган тармоқларда техник ва технологик модернизациялаш, замонавий менежмент, маркетинг тадбирлари амалга оширилмаса, давлат томонидан ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватланмаса, улар тезда “ўлади”.

III квадрантда жойлашган иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес субъектлари (савдо ва умумовқатланиш 2002, қишлоқ хўжалиги 1992-2007 йиллар)нинг рентабеллик даражаси паст, аммо товар ва хизматлар сотувларининг нисбий бозор улуши юқори. Тармоқларнинг кичик бизнес субъектлари бозорда муқим ўрнашиб, самарали фаолият юритишлари учун техник ва технологик модернизациялаш, замонавий менежмент ва маркетинг тадбирларини амалга оширилиши, давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватланиши лозим, акс ҳолда бозорда “яшаб қолиш” ноаниқ бўлади.

IV квадрантда жойлашган иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес субъектлари (савдо ва умумовқатланиш 1997 йил, хизмат кўрсатиш ва сервис, транспорт ва алоқа 2007 йил)нинг рентабеллик даражаси ҳам товар ва хизматлар сотувларининг нисбий бозор улуши ҳам жуда юқори. Тармоқларнинг кичик бизнес субъектлари техник ва технологик модернизациялашни, замонавий менежмент ва маркетинг тадбирлари амалга ошириб, давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватланиши туфайли бозорда муқим ўрнашиб, самарали фаолият юритиб “гуллаб-яшнамоқдалар”.

Тадқиқот натижаларига биноан, V “қуюн зонаси” квадрантида юқоридаги квадрантларнинг ҳеч бирига мансуб барқарор белгилари намоён бўлмаган кичик бизнес субъектлари жойлашади. Бу эса иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган, мулк шакллари ўзгараётган, бизнес жараёнларида таркибий ўзгаришлар рўй бераётган ва кичик бизнес малакасиз менежерлар томонидан бошқарилаётган республикамиз иқтисодиётига хос жараёндир. Ушбу ҳолатда кичик бизнеснинг “ижобий” ёки “салбий” ривожланишга томон йўналиши субъектларнинг у ёки бу вариантда тезкор ривожланишига боғлиқ бўлиб қолади.

“Яшовчанлик матрицаси” усулида муаллиф томонидан иқтисодиёт тармоқлари кичик бизнес субъектлари учун ишлаб чиқилган матрица субъектлар фаолиятини муайян минтақа (вилоят, туман) учун холис экспертлар ёрдамида баҳолашга, мамлакатимиз иқтисодиётининг макро ва микродаражаларида стратегик қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Тадқиқотда кичик бизнес субъектлари ривожланишига таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий-маданий, демографик, сиёсий-ҳуқуқий ва табиий-иқлим муҳит омиллари тадқиқ этилган.

Илмий изланишлар ва кўп йиллик кичик бизнес билан шуғулланиш амалиёти асосида ишда кичик бизнес субъектлари хўжалик фаолияти натижалари ва молиявий барқарорлиги ҳамда ҳолати, уларнинг яшовчанлик даражаси, уларга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар устидан доимий мониторинг ташкил қилиш зарурияти аниқланди. Шу сабабли кичик бизнес субъектларини банкротликдан сақлаб қолиш, барқарор ва мутаносиб ривожланишини, уларни “ҳаёт циклини” узайтириш, кузатиб бориш, бошқариш мақсадида услубий нуқтаи назардан қуйидагича ҳисобланувчи коэффициентлар таклиф қилинди ва улар амалиётда синаб кўрилди:

1. Кичик бизнес корхоналарининг “яшовчанлик даражаси” коэффициенти

$$KB_{яо} = \frac{\ddot{E}_c}{\Phi_c}, \quad (4)$$

бу ерда, $KB_{яо}$ - кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик даражаси коэффициенти; $\ddot{E}_c$ - ёпилган субъектларнинг сони; Φ_c - фаолият юритаётган субъектлар сони, у умумий ҳудуддаги кичик бизнес субъектлари сонидан вақтинча фаолият юритмаётган субъектлар сонини айириш йўли билан топилади, яъни $\Phi_c = U_c - B_c$, акс ҳолда коэффициент мавжуд аҳволни тўлиқ баҳолашга имкон бермайди.

Бундан ташқари, $KB_{яо}$ коэффициент $0 \leq KB_{яо} \leq 1$ ораликда ўзгаради. Коэффициент қанчалик нолга яқинлашса, субъектларнинг яшовчанлик даражаси юқори ва аксинча. Агар биз (4) формулани янги очилган КБХТ субъектлари ва ёпилган субъектлар нисбатида олсак, қуйидагича «корхоналарнинг очилиш коэффициенти» каби кўрсаткични ҳосил қиламиз:

2. Кичик бизнес субъектларининг «очилиш» коэффициенти:

$$KB_{ок} = \frac{ЖЙО_{КБС}}{ЖЙ\ddot{E}_{КБС}}, \quad 0 \leq K_{ок}^{КБС} \leq 1 \quad (5)$$

бу ерда, $ЖЙО_{КБС}$ - жорий йилда очилган субъектлар сони; $ЖЙ\ddot{E}_{КБС}$ - жорий йилда ёпилган субъектлар сони (коэффициент қанчалик 1 дан катта бўлса, шу минтақа ёки вилоятда субъектлар сонининг ўсиши ижобий бўлади, масалан $KB_{ок} = 2$ бўлса, демак муайян минтақада жорий йилда очилган субъектлар сони ёпилганлари сонига нисбатан 2 мартага ошган бўлади ва х.к.)

3. Кичик бизнес корхоналарининг “сўнувчанлик даражаси” коэффициенти»

$$(KB_{сд} = \frac{ЖЙ\ddot{E}_{КБС}}{ЖЙО_{КБС}}), \quad (6)$$

бу ерда, $ЖЙ\ddot{E}_{КБС}$ - жорий йилда ёпилган субъектлар сони; $ЖЙО_{КБС}$ - жорий йилда очилган субъектлари сони; (коэффициент қанчалик 1 дан катта бўлса, шу минтақа ёки вилоятда кичик бизнес субъектларининг сонининг «сўниши» шунча юқори бўлади, масалан $KB_{сд} = 1,2$ бўлса, демак муайян минтақада жорий йилда ёпилган субъектлар сони очилганлари сонига нисбатан 1,2 мартага ошган бўлади ва х.к.)

4. Кичик бизнес корхоналарининг кооперациялашув даражаси, яъни муайян вилоят ёки минтақада кичик бизнес субъектлари сонига йирик бизнес билан кооперацияда ишлаётганлари улуши:

$$(KB_{кд} = \frac{ЙБК_{КБС}}{АКБ_с} \times 100\%), \quad (7)$$

бу ерда, $KB_{кд}$ - жорий йилда йирик бизнес билан кооперацияда ишлаётган кичик

бизнес субъектлари улуши, % да; $ЙБК_{КБС}$ - жорий йилда йирик бизнес билан кооперациялашган кичик бизнес субъектлари сони; $АКБ_С$ - жорий йилда алоҳида автоном ҳолда ишлаётган кичик бизнес субъектлари сони.

Кооперациялашув даражаси қанчалик юқори бўлса, йирик ва кичик бизнес синергияси ортиб бораётганлигидан далолат беради ёки аксинча кооперациялашув кам бўлиб, бошқа кичик бизнес субъектлари тармоқдаги «кооперация»-дан «азият» чекса, антимонопол қонунчилик нуктаи назаридан буни назорат этиш лозим, сабаби жойларда айнан «катта оға қаноти остида» ги кичик бизнес субъектлари «кооперациялашуви» туфайли бошқалари сунъий равишда синиши кузатилган.

Тадқиқот жараёнида давомида 2003-2006 йиллар учун республикамиз ва минтақалар мисолида субъектларининг яшовчанлик ва сўнувчанлик даражалари динамикаси ҳисобланди (4- жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2003-2006 йилларда кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик ва сўнувчанлик даражалари динамикаси*

Вилоятлар	йиллар							
	2003	2004	2005	2006	2003	2004	2005	2006
	Яшовчанлик даражаси динамикаси, $КБ_{яо}$				Сўнувчанлик даражаси динамикаси, $КБ_{сo}$			
Республика бўйича жами:	0,0777	0,0755	0,0431	0,0523	0,3940	0,4461	0,2184	0,0019
Қорақалпоғистон Республ.	0,0599	0,0695	0,0735	0,0990	0,3085	0,3963	0,3323	0,5981
Андижон	0,0125	0,0340	0,0190	0,0271	0,0633	0,2207	0,1665	0,2625
Бухоро	0,0849	0,0681	0,0608	0,0899	0,3295	0,2944	0,2433	0,3506
Жиззах	0,0388	0,0492	0,0175	0,0581	0,1719	0,2244	0,0480	0,6672
Қашқадарё	0,0941	0,0341	0,0148	0,0096	0,3373	0,1754	0,0484	0,0506
Навоий	0,0296	0,0410	0,0300	0,1086	0,0936	0,1479	0,1425	0,5504
Наманган	0,7435	0,0414	0,0433	0,0450	0,5107	0,2771	0,2868	0,1285
Самарқанд	0,0429	0,0596	0,0354	0,0220	0,1762	0,4410	0,3197	0,0856
Сурхондарё	0,1019	0,0273	0,0323	0,0133	0,5648	0,1881	0,2194	0,0420
Сирдарё	0,0921	0,0459	0,0252	0,0075	0,3346	0,2683	0,1110	0,4273
Тошкент	0,0340	0,0305	0,0276	0,0362	0,2067	0,2216	0,1727	0,0901
Фарғона	0,0714	0,1140	0,0272	0,0403	0,5043	0,5636	0,1219	0,1307
Хоразм	0,0377	0,0764	0,0593	0,0346	0,1515	0,4944	0,3422	0,1552
Тошкент ш.	0,1963	0,2280	0,1203	0,1267	1,8459	1,7252	0,9256	0,5428

Изоҳ: $0 \leq КБ_{яo} \leq 1$, $0 \leq КБ_{сo} < \infty$

*Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

4-жадвалга кўра, республикамиз ва унинг вилоятлари кесимида кичик бизнес субъектларининг яшовчанлик ва сўнувчанлик даражалари турличадир. 2003 йилда республикамиз бўйича сўнувчанлик даражаси 0,39 дан 2006 йилда 0,0019 гача пасайган. Демак, бизда ўтган 3 йил мобайнида янгидан очилган корхоналар сони ошди ёки синиш камайди дейишимиз мумкин. Худди шу кўрсаткич Қорақалпоғистон республикасида (0,5981), Навоий (0,5504), Жиззах (0,6672)

вилоятларида жуда кичик миқдорларда ошган. Ўз навбатида 2003-2006 йилларда субъектларнинг яшовчанлик даражаси кўрсаткичи ҳам деярли барча минтақаларда ошган, айрим минтақаларда жуда кичик миқдорда камайган ҳолос.

Аммо, республикамиз бўйича ҳар иккита кўрсаткичлар динамикасида умумий ижобий тенденция кузатилиб, бу эса кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуватимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарасидир.

Муаллиф фикрича, юқоридаги (4)-(7)- формулалардаги таклиф этилган кўрсаткичларни статистик муомалага киритилиши, кичик бизнес субъектларининг очилиш ва ёпилиш тенденцияларининг сабабларини аниқлаш, тартибга солиш ва бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда улар республикамизда ўтказилаётган ижтимоий-ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда республикамиз ҳукувати томонидан кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигининг асосий шаклларида бири бўлган – «касаначилиқ фаолияти»ни ривожлантиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва улар республикамизда ушбу фаолиятни ривожлантиришга салмоқли туртки бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначилиқни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида кўра, йирик саноат корхоналари билан касаначилиқ ўртасидаги кооперацияни ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, унинг фаол қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш, оилалар бюджети даромадларини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, касаначилиқ меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил этиш эвазига йирик корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини ошириш белгилаб қўйилган.

Муаллиф фикрича, бугунги кунда республикамизда йирик бизнес билан касаначилиқ асосида кичик бизнес кооперациясининг оқсётганлиги ёки сустривожланаётганлигининг асосий сабаблари иш берувчилар учун аниқ имтиёзлар бўлмагани, касаначилиқ фаолияти ривожланишининг мукамал норматив базаси йўқлиги, жойлардаги давлат органлари томонидан етарли этибор берилмаётганлиги ва бошқа иқтисодий (корхоналарда айланма маблағлар, транспорт ва буюртмалар етишмаслиги, трансакцион харажатларнинг юқорилиги ва ҳ.к.) сабаблардир.

Тадқиқотда кичик ва йирик бизнес ҳамкорлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, ҳозирги кунда ушбу ҳамкорлик шаклларида кооперация, хайринг, лизинг, касаначилиқ каби турларини республика ва унинг минтақаларида ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда қўллаш объектив зарурият эканлиги таъкидланиб, касаначилиқ шартномаси асосида фаолият юритувчи йирик корхоналар ва касаначилар кооперацияси барқарорлигини таъминловчи бажарилиши лозим бўлган айрим шарт-шароитларнигина таҳлил этилди ҳамда бу масалани ечишнинг назарий асоси сифатида классик кооператив ўйинларнинг математик воситалари қўлланилди. Кичик ва йирик бизнеснинг касаначи-

лик асосидаги кооперацион алоқалари шартномасида қатнашадиган субъектлар муайян ҳудудда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда маркетингга асосланиб, бир хил ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган объектларни ташкил этиши мумкин бўлган йирик ишлаб чиқарувчи корхона ва касаначиликка ихтисослашган кичик корхона деб қабул қилинди (йирик корхонани кичик корхона, микрофирма ёки яқка тадбиркор билан кооперацион алоқаларини моделлаштириш масаласини ҳам худди шундай қўйиш мумкин).

Муаллиф фикрича, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларида томонларнинг оладиган нафлари иккита шартни қаноатлантириши керак:

- 1) алоҳида олинган ҳолда рационал бўлиши керак;
- 2) гуруҳий ҳолда ҳам рационал бўлиши керак.

Биринчидан, ҳамкорлик қилинганда ҳар бир томон энг камида автоном ҳолда ишлаганда олиши мумкин бўлган фойдани олиши лозим. Диссертацияда таъкидланишича, бунинг учун, касаначилик тизимида ишлаётган корхоналардан ҳар бирининг фойдаси уларнинг автоном ҳолда фаолият кўрсатгандаги фойдасидан кам бўлмаслиги керак. Иккинчидан, ҳамкорликда ишлаганда олиниши мумкин бўлган ҳар иккала томоннинг умумий фойдаси уларни автоном ҳолда ишлаганда олиши мумкин бўлган умумий фойда йиғиндисидан катта бўлиши лозим, яъни икки плюс икки баробар беш шарт бажарилиши керак ҳамда ҳамкорликда олинган самара улар ўртасида тақсимланиши керак.

Муаллиф фикрича, йирик ва кичик бизнеснинг касаначилик асосидаги кооперацион алоқаларини моделлаштириш қуйидагиларга имкон беради:

-биринчидан, йирик ва кичик бизнеснинг нафақат касаначилик асосидаги, балки исталган шаклдаги кооперацион алоқаларининг афзалликларини кўрсатиш ва томонлар учун тенг манфаатли эканлигини асослашга;

-иккинчидан, барча шаклдаги кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларининг амал қилиш шартларини асослашга;

-учинчидан, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқалари ҳамда синергияси самарадорлиги бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилишга;

-тўртинчидан, макро ва микро даражада иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар кесимида кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро ҳамкорликлари истиқболларини белгилаш бўйича давлат, минтақавий дастурларни ишлаб чиқишга ва ҳ.к.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес генезиси ва устувор соҳалар тараққиётини асослаш. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш бўйича ҳукуматимиз томонидан тўртта йирик институционал ўзгариш амалга оширилди:

- тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилди;
- Савдо-саноат палатаси ташкил этилди;
- давлат мулкани ноллик қиймат бўйича сотиш йўлга қўйилди;
- рақобат ва бизнес муҳитини яратадиган тузилма – Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси ташкил этилди.

Аммо, ҳамон республикамиз минтақаларида кичик бизнесни ривожлантириш имкониятлари ва захираларидан етарлича фойдаланилганлиги. Жойларда тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатамаётганлиги, кичик бизнесни

ривожлантириш учун мавжуд хорижий кредит линияларидан, хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилиш имкониятларидан, рақобатчилик муҳити ва антимонопол сиёсатнинг воситаларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги, маҳаллий ҳокимият органларининг бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмаганлиги, тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун бино, ер ажратиш, газ ва электр-энергияси таъминотидаги узилишлар мавжудлиги, норентабел йирик корхона-ларни ихчамлаштириб, кичик бизнес субъектларига тақсимлашнинг оқсаётган-лиги бунинг далолатидир.

Шу сабабли диссертацияда муаллиф томонидан юқоридаги кичик бизнес генезисдаги мавжуд муаммолар, уларнинг сабаблари тадқиқ этилиб, уларни бартараф этиш йўналишлари ишлаб чиқилган. Юқорида таъкидланган респуб-ликамизда кичик бизнесни ривожлантириш учун мавжуд хорижий кредит линияларидан (Ислом тараққиёт банкининг глобал молиялаштириши, Хитой Тараққиёт банки, Польша Республикаси ҳукумати, Германия Федератив Республикаси банкларидан Коммерцбанк, Хипо Ферейне Банк, Ландес-Банк Берлин АГ, Италиянинг «Национале дель Лаворо» банки, Малайзия Экспорт-импорт банки кредит линиялари) фойдаланиш имкониятлари қатор сабаблар, жумладан, биринчидан, 120-125 фоиз гаров таъминоти зарурлиги, иккинчидан, технологияни айнан молиялаштирувчи банк мамлакатидан сотиб олиш зарур-лиги, учинчидан, кредитларни қайтариш муддатининг қисқалиги (5-6 йил) ва тўртинчидан, устама фоизларининг юқорилиги (9-11 фоиз) туфайли чекланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун минтақаларга хорижий инве-стицияларни жалб қилишда бир қатор муаммолар мавжудлигининг сабаби инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, тадбиркорлар-нинг бизнес-қўникмалари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг сифатли ишлаб чиқилмаганлиги, лойиҳа ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволи оғирлиги, маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол эмаслигидир.

Диссертацияда таъкидланганидек, кичик бизнесни ривожлантириш учун ички инвестицияларни жалб этишнинг мураккаблиги сабаблари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги, молия-лаштиришнинг муқобил усулларидан (лизинг, факторинг ва ҳ.к.) сушт фойдала-ниш, инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланишидир.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес генезисини чуқур тадқиқ этган ҳолда унинг устувор соҳалари тараққиётини таъминлаш жуда долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунинг учун исталган тармоқ ёки минтақа кичик бизнес субъект-лари ўзларининг макро (халқаро, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-демографик, ҳуқуқий, экологик, табиий-иқлимий, илмий-техник, маданий соҳалари) ва мик-ромуҳити (етказиб берувчилар, истеъмолчилар, рақобатчилар, воситачилар, ўзаро алоқа доиралари, солиқ тизими, ташқи иқтисодий фаолият бўйича қонун-чилик соҳалари ва ҳ.к.) омилларини чуқур ўрганиб иш юритишлари лозим.

Республикамизда кичик бизнес субъектларини иқтисодий инкирозга олиб келувчи асосий сабабларни молиявий (айланма манбаларнинг камайиши, давлат бюджетидан молиялаштиришнинг камайиши, олдинги олинган кредитда курс фарқининг кўтарилиши ҳисобига), ташкилий (бозор иқтисодиётига мослаша олмаслик, маркетинг ишларини тўғри ташкил этмаслик, корхонани бошқаришнинг паст савиядалиги, корпоратив бошқарув ва назоратда билим савиясининг пастлиги, бозорнинг янги шартларига тайёр эмаслиги), глобал (иқтисодиётни глобаллашуви натижасида ташқи ва ички бозорда шаклланган кучли рақобат, миллий корхоналарнинг бу ҳолатга мослашишида дуч келаётган қийинчиликлар ва ҳ.к.) деб гуруҳларга ажратиш мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, кичик бизнес субъектлари сонининг баъзи минтақаларда бирданига камайиб кетишига, 90- йиллар бошидаги «грюндерлик» (кўпчиликка эргашиб бизнес субъектларини “очиш”) сабаб бўлган¹.

Республикамизда рақобатчилик муносабатларини ривожлантиришнинг давлат корхоналарини хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, мулкчилик шакли ва турларини кўпайтириш орқали бозорда фаолият кўрсатувчи рақобатчилар сонини ошириш, бозорларга «янги иштирокчилар»ни киритишдаги тўсиқларни олиб ташлаш, бошқарув тизимлари ва монополлашган соҳаларни таркибий қайта қуриш, бошқарув ва хўжалик фаолияти вазифаларини бўлиб юбориш ва кичик бизнесни ривожлантириш каби энг кенг тарқалган механизмлари қўлланилади.

Муаллиф кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини жадаллаштириш, унинг иқтисодиётимиздаги мавқеини янада ошириш мақсадида жойларда йирик норентабел корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини, мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини, ортиқча ер майдонларини, ижтимоий соҳа объектларини, молиявий ҳолатини, менежментини таркибий ўзгартириш лозим деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда республикамизда таркибий ўзгаришлар жараёнида аксилинкироз бошқаруви бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги, судга даъво аризасини киритиш ва қарор чиқариш вақти орасида активларни “олиб кетиш” имконияти мавжудлиги, кредиторларнинг қарздорлар мулкани ҳибсга олиш ҳуқуқларига эга бўлиши сабабли қарздор - корхоналарнинг энг қиммат активларини йўқотиб қўйиш хавфининг мавжудлиги, таркибий ўзгартиришда корхона раҳбарлари қизиқишининг йўқлиги, корхоналар активларини реализация қилишда баҳолашнинг етарли даражада ўзгарувчан эмаслиги таркибий ўзгаришлар жараёнининг муаммолари ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этишнинг стратегик мақсадларига мос равишда Республикамиз минтақаларида кичик бизнесни янада барқарор ривожланишини таъминлаш учун яқин 5-10 йил ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим. Бунда республикамиз минтақалари ўртасидаги номутаносибликларни йўқотиш, минтақаларда кичик бизнес субъектларини ваа ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Диссертацияда таъкидланганидек, кичик бизнес ривожланишидаги

¹ Виленский А. Этапы развития малого предпринимательства в России // Ж. Вопросы экономики. – Москва, 2000. – № 7. – С. 33-34.

республика минтақалари ўртасидаги сезиларли фарқлар, ўз худудида у ёки бу ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш имконияти узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга табақалаштирилган ёндошувни талаб қилади.

Муаллиф республикада кичик бизнесни жадал ривожлантиришни изчил амалга ошириш мақсадида КБ субъектларини ривожлантириш ва таркибий қайта қуришни иккита босқичга ажратади: I босқичда (2006-2010 йй.) республикада мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан, кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий омилларидан юқори даражада фойдаланган ҳолда минтақавий номутаносибликларни минималлаштириш ва соҳанинг ЯИМ даги улушини 50-60 фоизга етказиш вазифалари ҳал қилинади.

II босқичда (2010-2015 йй.) КБ ни миллий иқтисодиётимиздаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, кичик ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги синергетик самараларни, кооперацион алоқаларни кучайтириш, КБ ни миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг, иқтисодий ўсишнинг барқарор манбасига айлантириш билан тавсифланади.

Муаллиф фикрича, I босқичда КБ ни ривожлантиришга ишлаб чиқариш, экспорт, инфратузилмавий, меҳнат имкониятларининг таъсири жуда сезиларли бўлади. Шунингдек, бу босқичда КБ ривожланишининг асосий омилларидан иқтисодий, ижтимоий-маданий, ИТТ омилларининг таъсири аҳамиятли ҳисобланади. II босқичда эса иқтисодий имкониятларнинг таъсирида ер-сув, тадбиркорлик, экологик имкониятлар ва кичик бизнес ривожланишига таъсир этувчи экологик, демографик омилларнинг ҳам таъсири салмоқли бўлади.

Кичик бизнес ривожланиш салоҳиятини баҳолаш ва истиқболини башоратлаш. Маълумки, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ишлаб чиқаришнинг доимо “ўсиб бориши” ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни башоратлашда экстраполяция усулини қўллашга асос бўлиб хизмат қилган. Республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда номутаносиблик кучайиши эса анъанавий башорат услубларини ўзини оқламаётганлигини кўрсатди. Шу сабабли, бундай шароитда тез ва асосли натижалар берадиган мантикий-эвристик башорат услубларини қўллаш фойдалироқ бўлиб қолди, хусусан эксперт баҳолаш, сценарий услублари, социологик сўровлар ҳ.к. Ишда муаллиф томонидан қисқа муддатли 2010 йилгача бўлган давр учун корреляцион-регрессион таҳлил, ўрта муддатли 2015 йилгача бўлган давр учун эса сценарий усуллари ёрдамида кичик бизнес ривожланиш тенденцияларининг башорати амалга оширилган. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини корреляцион-регрессион таҳлил орқали баҳолашда асосий омиллар сифатида кичик бизнесда яратилган товар ва хизматлар ҳажми (Y), КБ субъектлари сони ($N_{кб}$), секторда бандлар сони ($L_{кб}$), кичик бизнесга ажратилган кредитлар ва инвестициялар (I) олинган ва уларнинг регрессия тенгламалари тизими аниқланган :

$$\begin{aligned} N_{кб} &= 430406t + 222397, R^2 = 0,9584; L_{кб} = 25042t + 11498, \\ R^2 &= 0,9502; I = 12056t - 24500, R^2 = 0,965 \end{aligned} \quad (8)$$

(8)-тенгламалар тизимини асосий регрессия тенгламасига қўйиб, $Y=846979t-83575$ тенглама олинган ва республикаимизда кичик бизнеснинг ривожланиши 2010 йилгача башоратланган (5-жадвал).

5-жадвал

2008-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари башорати*

Йиллар	КБ да яратилган товар ва хизматлар ҳажми, млн.сўм	КБ да бандларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, киши	КБ субъектлари сони, та	КБ га ажратилган кредитлар ва инвестициялар, млн.сўм
2008	14315068	7539299	437212	180452
2009	15162047	7969705	462254	192508
2010	16009026	8400111	487296	204564

*Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари

Ҳисоб-китобларимизга кўра, 2010 йилга бориб кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМ даги улуши 57,4 фоизга, бандлар сонидаги улуши 8,4 млн кишига, КБ субъектлари сони эса, 487,3 мингтага кўпаяди ва бу башорат натижалари эса Президентимиз томонидан белгиланган кичик бизнеснинг мамлакат ЯИМ даги улушини 50-60 фоизга етказиш вазифасининг қанчалик реал амалиётга мослигини назарий исботидир.

Диссертацияда республикаимизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини баҳолашда сценарий усули ёрдамида иқтисодий нобарқарорлик шароитида мазкур секторни ривожлантиришнинг асосий омилларини, мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш асосида нафақат ресурслар имкониятлари бўйича, балки амалга ошириш босқичлари билан ҳам фарқланувчи оптимистик ва пессимистик вариантлардаги башорати ишлаб чиқилган (6-жадвал).

Оптимистик вариант 2 та асосий ҳолатларга асосланади: кичик бизнесни ривожлантиришга давлатнинг фаол аралашуви; минтақаларда иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, иқтисодиётни эркинлаштирилиши, мамлакатни модернизация қилиш. Бу вариант I-босқичда ишлаб чиқариш имкониятларига эга минтақаларда КБ субъектларининг таркибини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ҳамда минтақаларда базавий тармоқлар, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, қайта лойиҳалаш, техник ва технологик қуроллантириш, модернизациялаш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни назарда тутди.

Иккинчи пессимистик вариант, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг эскича амалиёти сақланиши, жойларда давлатнинг кичик бизнес ривожланишига фаол аралашувисиз ўз ҳудудларида мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ривожланишни назарда тутди. Муаллиф томонидан биринчи вариантни амалга ошириш тавсия қилинади.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида КБ субъектларининг ЯИМ даги улуши бўйича 2015 йилгача бўлган даврдаги башорати* (% да)

Минтақалар	2006 йил	2010 йил		2015 йил	
		II- вариант	I- вариант	II- вариант	I-вариант
Қорақалпоғистон Республикаси	52,6	52,3	64,4	53,0	71,0
Андижон	45,7	46,1	62,4	46,6	73,6
Бухоро	54,2	54,4	58,8	54,8	69,1
Жиззах	67,4	67,5	62,3	67,7	74,2
Қашқадарё	44,3	44,6	65,6	45,1	75,4
Навоий	23,3	23,4	39,8	23,5	51,2
Наманган	62,3	62,5	58,9	62,7	71,2
Самарқанд	66,0	66,2	63,8	68,0	70,1
Сурхондарё	62,0	62,4	70,8	62,8	72,2
Сирдарё	68,9	68,2	62,6	68,4	73,6
Тошкент	44,2	44,6	64,5	45,4	74,5
Фарғона	49,5	49,8	57,9	50,1	77,1
Хоразм	62,8	63,1	68,7	64,2	72,4
Тошкент ш.	48,1	48,3	64,9	50,2	74,9
Ўзбекистон Республикаси	42,1	48,1	57,4	48,5	66,7

*Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари: I-вариант-оптимистик, II-вариант-пессимистик

Бугунги кунда КБХТ ривожланиш тенденцияларини эксперт-ҳамкорлик тизимлари ёрдамида баҳолаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли диссертацияда эксперт-ҳамкорлик тизимлари ёрдамида республика-мизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини баҳолаш учун эмпирик кўрсаткичлар ўртасидаги аномал ёки эталон объектлар синфини ажратиш, барқарорлик мезони бўйича турли ўлчамларда гуруҳларга ажратиш, берилган кўрсаткичлар тўпламидан «кучли» метрикаларни танлаш, омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсири бўйича ахборотдорлик даражасини аниқлаш амалга оширилган ва 1992-2006 йиллардаги республика-мизда кичик бизнеснинг ривожланиш тенденциялари даврий жиҳатдан баҳоланган.

Унга кўра, таҳлил учун асосан 1 та сифат (йиллар А8) ва 7 та миқдорий кўрсаткичлар олинган (кичик бизнеснинг республика ЯИМ даги улуши (% да, А1), кичик бизнес субъектлари сони (минг бирликда, А3), секторда бандлар сони (минг киши, А2), кичик бизнес субъектларига белгиланган солиқ ставкалари (% да, А6), соҳага ажратилган кредитлар ва инвестициялар (млн.сўмда, А4), кичик бизнесда яратилган товар ва хизматлар ҳажми (млн.сўмда, А5), асосий ишлаб чиқариш фондлари (млн.сўмда, А7)) ҳамда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини баҳолашдаги синфларга оптимал ажратиш жараёнида мақсадга мувофиқ метрика аниқланган, синфларга ажратишда нисбатан кўпроқ ахборот берадиган аҳамиятли белгилар танланган.

Тадқиқот натижасида образларни англаш ва амалий статистика усуллари ёрдамида республика-мизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларининг математик модели тузилган ва кичик бизнес ривожланиш тенденциялари таснифларини дифференциал таҳлил қилиш учун «1+2+3» ривожланиш тенденцияларига кўпроқ ўхшашлиги бўлган кичик бизнес муқобил ривожла-

нишининг дифференциал-аналитик жадваллари ишлаб чиқилган (7-жадвал).

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини «1+2+3» турли яқинлашув ўлчовлари ва белгили фазоларини шакллантиришда танланма барқарорлигини турли метрикалар¹ ёрдамида баҳолаш (объект сони-15)*

Танланган белгилар шифрлари: (жами 7 та) A1, A2, A3, A4, A5, A6, A7					
		Евклид	Чебышев	Камберра	Тортирилган чизиқли
Дастлабки	1	0,8333	0,8333	0,8888	1,0000
	2	0,7777	0,7777	0,5555	0,2222
	3	0,9444	0,9444	1,0000	0,9444
	Жами танланма	0,8666	0,8666	0,8666	0,8222
Аномал объектлар сони		1(1995)	1(1995)	1(2000)	2(1998,2000)
		Евклид	Чебышев	Камберра	Тортирилган чизиқли
[0,1] да	1	0,8333	0,8333	0,8888	1,0000
	2	0,7777	0,7777	0,5555	0,2222
	3	0,9444	0,9444	1,0000	0,9444
	Жами танланма	0,8666	0,8666	0,8666	0,8222
Аномал объектлар сони		1(1995)	1(1995)	1(2000)	2(1998,2000)
		Евклид	Чебышев	Камберра	Тортирилган чизиқли
Белгилар дисперсияси бўйича	1	0,8333	0,8333	0,8888	1,0000
	2	0,7777	0,7777	0,5555	0,3333
	3	0,9444	0,9444	1,0000	0,9333
	Жами танланма	0,8666	0,8666	0,8666	0,8333
Аномал объектлар сони		1(1995)	1(1995)	1(2000)	2(1998,2000)

* Манба: Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Тадқиқотда қўлланилган метрикалар ичидан (Евклид, Чебышев, тортирилган чизиқли, Камберра) кичик бизнес ривожланганлик даражаси бўйича республика минтақаларини синфларга энг яхши, оптимал ажратиш Евклид, Камберра ва Чебышев метрикаларида амалга ошади.

Бу эса бошқа гипотезаларни текширганда ҳам кўпроқ юқоридаги метрикаларга эътибор қаратишни тақозо этади. Чунки, айнан Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини «1+2+3» турли яқинлашув ўлчовлари ва белгили фазоларини шакллантиришда танланма барқарорлиги

¹ Бу метрикалар объектлар ўртасидаги масофани ҳисоблаш формуллари турличалиги билан фарқланади: Евклид метрикасида: $\rho(x,y) = \sqrt{(x_1 - y_1)^2 + \dots + (x_n - y_n)^2}$; Чебышев метрикасида $\rho(x,y) = \max_{j=1,n} (x_j - y_j)$; Камберра метрикасида

$\rho(x,y) = \frac{|x_1 - y_1|}{|x_1 + y_1|} + \dots + \frac{|x_n - y_n|}{|x_n + y_n|}$; Тортирилган чизиқли метрикада $\rho(x,y) = W_1 \cdot |x_1 - y_1| + \dots + W_n \cdot |x_n - y_n|$, бу ерда

$W = (W_1, \dots, W_n)$ гуруҳлар вазнлари тўплами

юқоридаги метрикаларда 83-95 фоизни ташкил этди, яъни нафақат республика даражасида кичик бизнесни даврий ривожланишини баҳолаш, балки минтақаларда, иқтисодиётнинг исталган тармоғида унинг даврий жиҳатдан ривожланишини баҳолашда эксперт-ҳамкорлик тизимининг юқоридаги метрикаларини самарали қўллаш мумкин.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес ривожланишининг минтақавий муаммолари макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда мезо ва микродаражада тадқиқ этилиши яхши натижалар беради. Жумладан, кичик бизнес ривожланиш динамикасини минтақалар кесимида ва бутун иқтисодиёт учун тадқиқ этиш, кичик бизнес нисбатан фаол ва сустривожланаётган минтақаларни аниқлаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала – бу кичик бизнес ривожланиш динамикаси суръатларини пасайиш даражаси бўйича ушбу минтақаларни саралаш, жойлаштириш ҳисобланади. Ҳар бир минтақа ўзига хос индикаторлар тўплами билан характерланиб, уларни бир хил даражада саралаб бўлмайди. Бу эса минтақаларни кўп ўлчовли таҳлил қилган ҳолда, уларни синфларга ажратишни тақозо этади.

Маълумки, берилган $\tau = \{\tau_i, i = 1, 2, \dots, n\}$ минтақалар тўпламини синфларга ажратишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Синфларга ажратишнинг у ёки бу усулини бир-биридан афзаллигини аниқлаш учун эса таққослама миқдорий мезонни аниқлаш лозим бўлади.

Муаллиф фикрича, ушбу мақсадда кластер-таҳлил масалаларида мумкин бўлган барча синфларга ажратиш усуллари ичидан маълум биттасини танлаш учун синфларга ажратиш сифатида $Q(S)$ кўрсаткич киритилади. $Q(S)$ кўрсаткични шакллантириш эса i ёки j минтақалар кичик бизнесининг ривожланишини ифодаловчи $d(Z_i^t, Z_j^t)$ га Z_i^t ва Z_j^t векторлар ўртасидаги масофага алмашиши мумкин бўлган τ_i ва $\tau_j \in \tau - d(\tau_i, \tau_j)$ элементлар ўртасидаги d масофа орқали амалга оширилади.

Объектларни таснифлаш назариясида объектлар ва уларнинг белгилари ўртасидаги масофани характерлашда юқорида таъкидланган метрикалардан фойдаланилади.

Муаллиф $Z_i^t, i = 1, 2, \dots, n$ векторларнинг индикатори элементлари ўз иқтисодий мазмуни ва ҳисоблаш усулига кўра бир хил бўлганлиги учун Евклид масофасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

$$d_\varepsilon(Z_i^t, Z_j^t) = \sqrt{\sum_{\rho=1}^4 (Z_{i,\rho}^t - Z_{j,\rho}^t)^2} \quad (9)$$

Агарда у ёки бу $Z_{j,\rho}^t, \rho = 1, 2, 3, 4$ индикаторларнинг мамлакат умумий иқтисодий ўсиши стратегиясида муҳимлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадлари ва ўрни эксперт йўли билан аниқ кўрсатилса, у ҳолда тортирилган Евклид масофасидан фойдаланилади:

$$d_\varepsilon(Z_i^t, Z_j^t) = \sqrt{\sum_{\rho=1}^4 \lambda_\rho (Z_{i,\rho}^t - Z_{j,\rho}^t)^2}, \quad (10)$$

бу ерда, $0 \leq \lambda_p \leq 1$, $p = 1, 2, 3, 4$.

(9), (10) ва бошқа формулалардан p - ўлчовли фазода минтақалар кичик бизнесини ривожлантиришнинг хусусий индикаторларининг d метрикаси танлангандан кейин (бизнинг мисолимизда $p = 4$), кластер – операцияларидан биттасини қўллаш зарур. Энг кенг тарқалган кластер – операциялар бу иерархик, параллел ва кетма-кет кластер – операциялардир. Тадқиқотда республика минтақаларини кичик бизнес ривожланганлиги бўйича синфларга ажратиш кўрсаткичи сифатида кластер-таҳлил масалаларида кенг қўлланиладиган ички синфлар дисперсиялари йиғиндиси қабул қилинган.

Диссертацияда таклиф этилган услубиятни амалда қўллаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси минтақаларида 2000-2006 йилларда кичик бизнес субъектларини ривожланиш даражаси бўйича оптимал гуруҳлашни амалга оширувчи компьютер дастури ишлаб чиқилиб илмий натижалар олинган. Муаллиф Республикамиз ва унинг минтақаларида 2000-2006 йиллар бўйича тўртта эндоген кўрсаткичларни танлаган: республика ЯИМ (млн.сўмда), кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши (млн. сўмда), республикамиз иқтисодиётидаги умумий бандлар сони, (млн. киши), соҳада бандларнинг умумий бандлар сонидagi улуши (млн.киши). Юқоридаги тўртта эндоген ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда, ҳисоб-китоблар амалга оширилган ва бешта экзоген ўзгарувчилар топилган: кичик бизнеснинг республика ЯИМ даги нисбий улуши (фоизда), республика кичик бизнес сектори ялпи маҳсулотида минтақалар кичик бизнесининг улуши (фоизда), соҳада бандларнинг умумий иқтисодиётда бандлар сонидagi нисбий улуши (фоизда), республика бўйича кичик бизнесда умумий бандлар улушида минтақалар кичик бизнесида бандларнинг улуши (фоизда), ўртача арифметици. Юқоридаги кўрсаткичларни олинишига асос сифатида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва кичик бизнес ривожланганлик даражасини ифодаловчи индикаторлар эканлигидир.

Тадқиқотда юқоридаги кўрсаткичларнинг статистикасига таянилган ҳолда 2000-2006 йилларда республикамиз минтақаларида КБХТ нинг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи индекс (РДИ) ҳисобланди ва республикамиз минтақаларининг КБХТ ривожланганлиги бўйича гуруҳ¹ларда бўлиш барқарорлиги, муқимлиги деярли муттасил алмашиб, кўпчилик минтақаларда бу ижобий томонга ўзгариб борди (8-жадвал).

Таҳлилларимизга кўра, 2000 йилда 1-аутсайдерлар гуруҳига 5 та Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Хоразм, Сирдарё вилоятлари мансуб бўлган бўлса, 2001 йилда бу гуруҳга 7 та, 2002-2003 йилларда 6 та, 2004 йилда 5 та минтақалар мансуб бўлган. 2005-2006 йилларга келиб эса, ушбу гуруҳда фақат Навоий вилоятигина қолган ҳолос.

Кичик бизнес ўртача даражада ривожланган 2-минтақалар гуруҳига 2000 йилда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари мансуб бўлган бўлса, 2001 йилда ушбу гуруҳга фақат 2 та (Андижон, Бухоро) вилоят, 2002-2003 йилларда 4 та (Андижон, Жиззах, Сирдарё, Фар-

¹ I гуруҳ Т1(i)-кичик бизнес паст даражада ривожланган гуруҳ, аутсайдерлар; II гуруҳ Т2 (i) – кичик бизнес ўртача даражада ривожланган гуруҳ; III гуруҳ Т3(i) – кичик бизнес юқори даражада ривожланган гуруҳ, лидерлар.

ғона) вилоят, 2004 йилда 6 та (Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари қўшилишган) вилоят, 2005-2006 йилларда эса 8 та вилоятлар мансуб бўлишган.

8-жадвал

2000-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақаларида КБХТ ривожланганлик даражаси индекси (РДИ) нинг ўзгариш динамикаси*

Худудлар	йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Ўзбекистон Республикаси	22,4	24,2	26,3	27,0	29,5	31,5	33,4
Қорақалпоғистон Республикаси	16,9	20,0	22,2	23,5	27,9	30,8	32
Андижон	24,4	26,3	26,9	27,6	28,2	30	34
Бухоро	22,6	24,5	25,5	25,7	28,5	30,8	34
Жиззах	24,0	24,2	27,7	30,8	35,2	36,4	37
Қашқадарё	23,5	21,9	23,7	24,7	29,2	30,3	33
Навоий	14,2	15,4	18,3	17,6	18,7	20,1	14
Наманган	21,3	23,3	25,6	26,3	28,3	32,1	36
Самарқанд	25,0	28,3	30,2	32,2	34,2	36,1	40
Сурхондарё	24,2	25,7	29,0	28,3	28,7	29,9	35
Сирдарё	20,9	23,9	27,1	27,8	34,8	34,5	38
Тошкент	25,3	27,4	28,5	28,3	28,7	30	33
Фарғона	25,3	26,7	27,7	30,3	31,2	33,7	35
Хоразм	19,5	21,4	24,3	24,6	27,9	32,8	36
Тошкент ш.	26,3	30,0	31,3	30,5	31,5	33	31

Изоҳ: $0 \leq РДИ \leq 100$ КБХТ ривожланишини ифодаловчи 4 та эндоген ўзгарувчининг ўртача арифметиги

*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

Кичик бизнес юқори даражада ривожланган 3-гурухга, 2000 йилда фақат 3 та (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари) минтақа мансуб бўлган бўлса, 2001 йилда Самарқанд вилояти қўшилган, 2002-2004 йилларда деярли бир хил тенденция кузатилган. Кейинги йилларда республикаимизда ушбу соҳани ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама ривожлантиришга эътиборнинг янада кучайиши, минтақаларда кичик бизнеснинг мутаносиб ва барқарор ривожланиши натижасида 2005-2006 йилларда ушбу гуруҳга мансуб минтақалар таркиби ҳамда сони ўзгарди (Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Хоразм).

Тадқиқотда юқоридаги кичик бизнес ривожланганлиги бўйича республика минтақаларини оптимал гуруҳлаш алгоритми ва услубиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда 2000-2006 йиллардаги республикаимиз минтақаларида кичик бизнес ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари статистикасига таяниб, соҳанинг ривожланганлик даражаси бўйича минтақаларни табақалашган гуруҳларда ривожланишга мойиллиги аниқланган (9-жадвал).

9-жадвал маълумотларига кўра, 2000-2006 йиллар давомида Навоий вилоятида кичик бизнес барқарор равишда I гуруҳда, Андижон вилоятида эса II гуруҳда ривожланишга мойил. Худди шу давр мобайнида Қорақалпоғистон ва Наманган вилоятлари қарийб 0,72 эҳтимоллик билан, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари 0,57 эҳтимоллик билан I гуруҳда, Сурхондарё вилояти эса энг юқори 0,86 эҳтимоллик билан II гуруҳда ва айнан шундай эҳтимоллик билан Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти III гуруҳда ривожланишга мойил.

2000-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг кичик бизнес ривожланиши бўйича табақалаштирилган гуруҳларга мойиллиги*

Минтақалар	Кичик бизнес ривожланиши қайси гуруҳга мойиллиги эҳтимоллиги		
	I гуруҳ T1(i)	II гуруҳ T2(i)	III гуруҳ T3(i)
Қорақалпоғистон Республикаси	0,71	0,29	0
Андижон	0	1,0	0
Бухоро	0,43	0,57	0
Жиззах	0,14	0,43	0,43
Қашқадарё	0,57	0,43	0
Навоий	1,0	0	0
Наманган	0,72	0,14	0,14
Самарқанд	0	0,14	0,86
Сурхондарё	0	0,86	0,14
Сирдарё	0,29	0,42	0,29
Тошкент	0	0,57	0,43
Фарғона	0	0,29	0,71
Хоразм	0,57	0,29	0,14
Тошкент ш.	0	0,14	0,86

*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

Демак, республикаимиз минтақаларини кичик бизнес ривожланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган гуруҳларда ривожланишга мойиллигини аниқлаш бўйича муаллиф ҳисоб-китоблари кўрсатишича, республикаимиз минтақаларини кичик бизнес ривожланиши бўйича муқаррар аутсайдерлар гуруҳига Навоий вилоятини, ўртача ривожланган гуруҳига эса худди шундай муқаррар равишда Андижон вилоятини киритиш мумкин.

I гуруҳда ривожланишга мойиллиги нисбатан юқори бўлган минтақалар Қорақалпоғистон республикаси (0,71), Наманган (0,72), Қашқадарё ва Хоразм (0,57) вилоятларидир. II гуруҳда ривожланишга мойиллиги юқори вилоятлар эса Сурхондарё (0,86), Бухоро ва Тошкент вилоятлари (0,57), уларнинг III гуруҳда ривожланишга мойилликлари Сурхондарё (0,14), Тошкент (0,43) га тенг. Бухоро вилоятининг I гуруҳда ривожланишга мойиллиги эса 0,43 ни ташкил этади. III лидерлар гуруҳида ривожланишга мойиллиги юқори бўлган вилоятлар эса Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри (0,86), Фарғона (0,71) вилоятлари бўлиб, уларнинг II гуруҳда ривожланишга мойилликлари эҳтимолликлари мос равишда 0,14 ва 0,29 ни ташкил этади.

Юқоридаги услуб асосида республикаимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ёки минтақавий даражада кичик бизнес ривожланганлиги бўйича туман ва шаҳарларни гуруҳлаш ҳамда шу асосда соҳани тараққий эттиришнинг табақалаштирилган стратегияларини ишлаб чиқиш мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнеснинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулоса ва тақлифларни билдириш имконини берди:

1. Назарий ва амалий жиҳатдан кичик бизнес тушунчасини ишлатишнинг расмий ва норасмий соҳаларини аниқлаштириш лозим. Республикамизда кичик бизнес тушунчасини барча соҳаларда, жумладан, ҳам илмий, ҳам махсус, оммабоп нашрларда, статистик ҳисоботларда, илмий тадқиқотларда, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “кичик тадбиркорлик”, «кичик ва ўрта бизнес», «кичик ва ўрта корхоналар», «кичик бизнес субъектлари», «кичик бизнес тадбиркорлари», «кичик бизнес иқтисодиёт сектори сифатида», «тадбиркорлик ва кичик бизнес» каби талқинларини ўрнига фақат ягона “кичик бизнес” вариантини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бу вариант ишлатилганда барча ҳужжатлардаги таърифлар унификациялашади, халқаро таснифлаш талабларига мос келади, давлат идора ва муассасалари, ахборотлардан фойдаланувчилар, тадқиқотчилар ва кичик бизнес муаммолари билан шуғулланувчиларга ҳам қулайлик яратади.

2. Келгусида республикамизда кичик бизнес субъектлари ўлчамларини аниқлашнинг монотаснифидан (фақат ишловчилар сони) иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда политаснифи (ишчилар сони, операциялар кўлами, обороти, сотувлар ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, тармоқнинг рентабеллик даражаси, минтақа ялпи маҳсулотининг мамлакат ЯИМ даги улуши ёки минтақада жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва ҳ.к.) га ўтиш, яъни корхоналар ўлчамларини аниқлашда ҳам миқдорий, ҳам сифатий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, республикамизда кичик бизнес субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга, давлатнинг фискал сиёсатини, ушбу соҳадаги минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришга имкон беради.

3. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, КБХТ субъектлари ривожланишини ва тақсимланишини ҳудудий ва тармоқ нуқтаи назаридан баҳолашда, уларнинг ёпилиш ва очилиш тенденцияларни, ўртача фойда миқдорлари эмпирик ва назарий частоталарини тақсимот зичликларини таҳлил қилишда катта сонлар қонунидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар асосида муайян минтақа иқтисодиёти тармоқлари кесимида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича энг юқори ва энг кам, ўртача фойда олиш оралиқлари, очилиш ва ёпилиш частоталари аниқланди ҳамда вилоятда КБХТ субъектлари ўртача фойда миқдорлари бўйича логнормал тақсимотга бўйсунити асосланди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2006 йилда кичик бизнес субъектларининг ўртача фойда миқдори бўйича эмпирик ва назарий частоталари деярли барча оралиқларда кам фарқ билан устма-уст тушди. 2010 йилга бориб эса субъектларнинг ўртача фойда бўйича эмпирик ва назарий частоталари, қатор омиллар таъсирида, жумладан, рақобат муҳитининг, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларининг кучайиши, ўртача фойда миқдорининг пасайиш тенденцияси, ҳукуматнинг КБХТ ни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатининг изчил давом этиши натижасида ҳамда янги инновацион субъектларнинг пайдо бўлиши, субъектлар сонининг янада ошиши туфайли мос тушади.

4. Кичик бизнес субъектларида зарарсизлик ва талабнинг нархга нисбатан эластиклиги таҳлили асосида субъектлар учун иқтисодиёт тармоқларининг жозибдорлиги аниқланди. Унга кўра, Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқлари ичида бизнесни юритиш жозибдорлиги бўйича маиший хизмат биринчи, қурилиш иккинчи, ишлаб чиқариш учинчи, савдо тўртинчи ўринларни эгаллади.

5. Республикамиз ва минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари даражасида кичик бизнес субъектлари “хаёт цикли” нинг барқарорлигини, давомийлигини мониторинг қилиб бориш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида, корхоналар фаоллигининг “яшовчанлик”, “очишлик”, “сўнувчанлик” коэффициентлари, “концентрациялашув”, “кооперациялашув” даражаси каби кўшимча сифат ва миқдорий кўрсаткичларини статистик амалиётга киритиш лозим.

6. Кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришда биринчидан, моделлаштирилаётган субъект ёки тармоқнинг хусусиятлари ва аниқ ташкилий-ҳуқуқий мақоми, иккинчидан, моделлаштирилувчи субъектнинг тадбиркорликнинг қайси тури ёки шаклига мансублиги, яъни йирик ёки кичик бизнеслигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, моделлаштирилувчи субъектнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғини моделлари бошқа тармоқ моделларидан фарқ қилади. Бундан ташқари, тадбиркорликни моделлаштиришда умумий нуқтаи назардан талқин этишга кўра, субъектларини кўлами (йирик, кичик) бўйича алоҳида ёки умумий минтақалар, тармоқлар кесимида, кичик ва йирик бизнеснинг умумий иқтисодиётдаги улушларининг нисбатларини моделлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

7. Республикамизда рақобатчилик муҳитини янада ривожлантириш, антимонопол қонунчилик ва сиёсатни амалга оширишда қатор муаммоларнинг мавжудлиги биринчидан, қонун меъёрлари умумий ҳолатларни ўз ичига олгани ҳолда, тартибга солишнинг муҳим масалаларини доим тўлиқ қамраб ололмаслиги, иккинчидан, рақобат билан боғлиқ алоҳида муносабатларни тартибга солувчи қонун ости меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларининг номутаносиблиги, учинчидан, рақобатни тартибга солиш қоидаларига тез-тез ўзгаришлар ва қўшимчалар қўшиш имконияти, тўртинчидан, ҳар хил идоралар томонидан ўз манфаатларидан келиб чиқиб қонун меъёрларини ҳар хил талқин этиш, бешинчидан, алоҳида ушбу масалаларни тартибга солувчи қонун ости ҳужжатларининг йўқлиги сабабли алоҳида назорат вазифаларини амалга ошириш имкониятининг йўқлиги, олтинчидан, қонун ва қонун ости ҳужжатлари томонидан қамраб олинмаган масалалар бўйича аниқ тартибга солишнинг йўқлиги билан боғлиқ.

8. КБХТ ни ривожланишини янада жадаллаштириш мақсадида иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар, модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, республикамизда асосий эътибор зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истикболсиз корхоналарни қатъий тугатиш, таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва модернизациялаш, хусусийлаштирилиб фаолият юритмаётган корхоналарни аниқлаш ва уларда ишлаб чиқаришни тиклаш, тугатиш жараёнини янги мулкдорларга сотиш асосида

янги кичик бизнес субъектларини, касаначилик иш ўринларини, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилиши лозимлиги, жойларда йирик норентабел корхоналардаги ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини диверсификация қилиш, мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини, ортиқча ер майдонларини, ижтимоий соҳа объектларини, молиявий ҳолатини, менежментини таркибий ўзгартириш лозимлиги асосланди.

9. Кичик ва йирик бизнеснинг барча турдаги ҳамкорлик алоқалари барқарорлигининг эталонлик шарти касаначилик асосидаги йирик ва кичик бизнес кооперацион алоқалари ёрдамида асосланади ва унга кўра, кооперация иштирокчилари автоном ҳолда ишлаб олишлари мумкин бўлган фойда, улар биргаликда ишлаб олишлари мумкин бўлган фойдадан кам бўлиши, яъни “икки плус икки баробар беш” шарти бажарилиб, синергетик самара олиниши керак. Бундан ташқари, кооперация натижасида олинадиган томонлар улуши гуруҳий ва алоҳида ҳолда рационал бўлиши керак. Кичик ва йирик бизнес субъектлари энг камида кооперациядан автоном ҳолда ишлагандагига тенг самара олишлари керак, кооперациядан олинадиган самара улар ўртасида тақсимланиши керак.

10. Ўрта муддатли истикболда кичик бизнес субъектларига йирик бизнес билан тенг рақобатчилик муҳитини яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, тармоқ хўжалик бирлашмалари кўринишида сақланиб қолган ва вазирлик мақоми ёки вазифаларига эга бўлган тармоқ монополияларини тугатиш, антимонопол қонунчилик меъёрларини ҳал этиш бўйича ваколатларни фақат антимонопол ва суд органларига бериш, антимонопол қонунчилик бўйича аста-секин махсус суд тизимини такомиллаштириш;

- иккинчидан, кичик бизнесни ташкил этиш, ривожлантириш бўйича турли рухсат олинувчи ва лицензияланувчи жараёнларни янада қисқартириш, давлат томонидан тартибга солиш, тез муддатларда “Рухсат бериш жараёнлари тўғрисида” ги Қонунни қабул қилиш;

- учинчидан, индивидуал имтиёз ва преференцияларни босқичма-босқич бекор қилиш асосида рақобатчилик муҳитини такомиллаштириш, бозорга янги кичик бизнес субъектлари кириб келишини чекловчи ва легал бизнесни амалга оширишдаги мавжуд барча тўсиқларни янада камайтириш;

- тўртинчидан, бозордаги ўз ҳукмрон мавқеини суистеъмол қилаётган хўжалик субъектлари монополиясига барҳам бериш ва табиий монополия бўлмаган тармоқларда баҳоларни декларациялашдан аста-секин воз кечиш, товар-хом ашё биржаларида маҳсулот сотиш ҳажмларини, барча субъектларни аукционларга, замонавий молиявий хизматлар бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш, савдоларнинг ойдинлигини таъминлаш;

- бешинчидан, хусусий мулк ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, хусусий кичик бизнес субъектлари жойлашган ва фаолият юритаётган ер участкаларини хусусийлаштириш имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилувчи суд тизимини янада мустаҳкамлаш;

- олтинчидан, турар жой биноларини нотурар жой биноларига ўтказиш жараёнини соддалаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш, экологик экспертиза хулосасини олиш бўйича белгиланган ставкаларни, архитектура-режалаш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган ҳаражатларни камайтириш, фирма

номини олиш жараёнини соддалаштириш;

- еттинчидан, йирик саноат корхоналари томонидан бизнеснинг бир қисмини кичик бизнес субъектларига берилишини рағбатлантириш ҳамда кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси объектларини кенг кўламда ташкил қилиш ва ривожлантириш;

- саккизинчидан, кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларнинг инновацион лойиҳаларига ёрдам берувчи махсус кредит-кафолат фондини ташкил қилиш, субъектларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва улар учун саноат ҳудудларини яратиш, жойларда хизматлар ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектларини минитехнология ва ихчам ускуналар билан таъминлаш;

- тўккизинчидан, республика минтақаларида фаолият юритмаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларни кичик бизнес билан кооперациясини йўлга қўйиш эвазига ушбу субъектлар тармоғини янада ривожлантириш;

- ўнинчидан, хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил, хом ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир минтақа бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, шунингдек, ушбу фаолиятга оид конференция, семинар ва тақдимотлар (республикамизда ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш;

- ўн биринчидан, 2015 йилгача бўлган даврда республика аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, КБХТ нинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги, ЯИМ даги улушини янги ташкил этиладиган инфратузилмалар ҳисобига, мавжуд фаолият кўрсатаётган шахобчалар қувватларидан, кредит маблағларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, техник ва технологик модернизация қилиш, норасмий равишда фаолият юритаётган «тадбиркорлар» томонидан кўрсатилаётган хизматларни легаллаштириш ҳисобига ошириш.

11. Таклиф этилган кичик бизнес ривожланганлиги бўйича оптимал гуруҳлаш услубияти асосида мутасадди органлар республика ва вилоятлар даражасида кичик бизнес энг паст, ўртача ва юқори даражада ривожланган ҳудудларни ажратиши ҳамда ундан жойларда маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодиёт бош бошқармалари, Савдо-саноат Палаталари, кичик бизнес фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар иқтисодиётимизнинг «локомотиви» бўлган кичик бизнес борасидаги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилашда, қабул қилинадиган макроиқтисодий-инвестицион қарорларнинг самарадорлигини оширишда фойдаланишлари мумкин.

12. Тадқиқот жараёнида республикамизда кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини сценарий усули, эксперт-ҳамкорлик тизими ёрдамида баҳоланди ва башорат қилинди. Унга кўра, 2010 йилга бориб кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМ даги улуши 57,4 фоизга, банлар сонидаги улуши 8,4 млн кишига, фаолият юритувчи субъектлар сони эса, 487,3 мингтага кўпаяди.

13. Мустақилликдан кейинги йилларда республикамизда кичик бизнес ривожланишини даврий жиҳатдан баҳолашда қўлланилган тўртта метрикалар ичидан гуруҳларга энг яхши, оптимал ажратиш Евклид, Чебышев ва Камберра метрикала-

рида амалга ошади. Бу эса бошқа гипотезаларни текширганда, кичик бизнес муайян тармоғи ёки минтақаларда соҳани ривожланишини даврий жиҳатдан баҳолашда юқоридаги метрикаларга эътибор қаратишни тақозо этади.

14. Кичик бизнес ривожланишини баҳолашда сценарий услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сценарий усули ёрдамида кичик бизнеснинг минтақавий таркибини ишлаб чиқишда, башоратларнинг муқобиллиги, иқтисодий нобарқарорлик шароитида республикада кичик бизнесни ривожлантиришнинг асосий омилларини, мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш асосида нафақат ресурслар имкониятлари бўйича, балки амалга ошириш босқичлари билан ҳам фарқланувчи оптимистик ва пессимистик вариантлари ишлаб чиқилиб, оптимистик вариантни амалга ошириш таклифи асосланди.

15. Республикамиз минтақаларида КБХТ ни ривожлантиришнинг муқобил вариантни амалга ошириш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

-барча минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда КБХТ субъектларини жадал ривожлантириш ҳисобига республика ва ҳудудий бозорларни, тадбиркорлик инфратузилмасининг янада юқори суръатларда ривожланишини рағбатлантириш, мавжуд табиий-иқтисодий имкониятлардан, ички заҳиралар ва иқтисодий ўсиш омилларидан самарали фойдаланиш;

-барча турдаги кичик бизнес субъектларини ривожланишини рағбатлантириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, бандлигини ошириш мақсадида минтақаларда йирик миллий ва хорижий бизнес субъектларининг бўлимлари, филиалларини жойлаштириш, йирик саноат корхоналари билан касаначилик асосидаги товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш борасидаги кооперацион алоқаларнинг франчайзинг, лизинг, рентинг, хайринг, лойиҳавий молиялаштириш, лицензиялаш, молия-саноат гуруҳлари (МСГ) ва вертикал кооперациялашган ишлаб чиқариш тузилмалари каби шакллари ташкил этиш ҳисобига кичик бизнес кам ривожланган минтақаларда янги ишчи ўринлари очиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш;

-мамлакат минтақаларини комплекс ривожлантириш дастурлари асосида кичик бизнесни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш мақсадида соҳа субъектларининг тармоқ тузилишини оптималлаштириш, минтақалар ўртасида кичик бизнес ривожланиш даражасидаги фарқларни камайитириш.

16. Мамлакатимизда ўрта муддатли истиқболда ҳукуматнинг кичик бизнесни янада қўллаб-қуватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган сиёсати уч хил ёндошув орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчидан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик модернизациялаш, хорижий ва ички инвестициялаш имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида КБХТ ни ривожлантиришга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли давлат дастурларини (2008-2015 йй.) қабул қилиш ҳамда амалга оширишга йўналтирилган дастурий ёндошув, иккинчидан, республикамиз минтақаларини комплекс ривожлантириш ва жойларда мавжуд хом ашёларни комплекс ўзлаштиришни таъминловчи лойиҳаларни рағбатлантириш орқали соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс ёндошув, учинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва турли ресурсларни олишга қулайликлар, солиқ, божхона ва бошқа кенг имтиёзларни бериш орқали инновацион йўналишдаги рағбатлантирувчи ёндошув.

17. Юқоридаги дастур ва ёндошувлар асосида истиқболда республикамиз

минтақаларида ишлаб чиқаришга мавжуд маҳаллий хом ашё ва бошқа қайта ишлаш мумкин бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларни жалб этиш негизида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш дастурларидан келиб чиққан ҳолда, йирик саноат корхоналари томонидан кичик бизнесга буюртмалар беришни рағбатлантириш орқали республикамизнинг Андижон, Самарқанд вилоятларида автомобилсозлик, Наманган вилоятида машинасозлик, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Жиззах вилоятларида қурилиш материаллари саноати ҳамда енгил саноат, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш заминида Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида озиқ-овқат саноати, Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида химия саноати атрофида саноат кластерлари заминида кичик бизнес кластерларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

18. Республикамизда яқин 3-5 йил ичида истиқболсиз ва норентабел саноат корхоналарида маҳсулотлар турларини диверсификациялаш, янги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ташкил этилиши, кооперациялашув ва синергия самаралари натижасида жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган M&A стратегиялари амалга ошириб, кичик бизнес субъектларининг горизонтал ҳамда вертикал кенгайишлари ҳисобига иқтисодиёт тармоқларида, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилишда йириклашув жараёнлари кучаяди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

I. Монографиялар ва илмий журналларда эълон қилинган мақолалар

1. Салаев С.К. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорликнинг ривожланиши: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар. Монография. –Т.: Фан, 2002. -113 б.

2. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. – Т.: Фан, 2007. -265 б.

3. Салаев С.К. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. - № 6. – 45-48 б.

4. Салаев С.К. Касаначилик фаолиятини рағбатлантириш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007.- № 2. – 46 б.

5. Салаев С.К. Касаначилик асосидаги кооперация алоқалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. - № 3. – 128 б.

6. Салаев С.К. Особенности применения анализа точки безубыточности при определении привлекательности отраслей региональной экономики для субъектов малого бизнеса (на примере Хорезмской области Республики Узбекистан) // Вопросы экономической науки. – Москва, 2007.- № 1. – С. 178-184.

7. Салаев С.К. Кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларини моделлаштириш масалалари // Маъмун Академияси Ахборотномаси. – Урганч, 2007. - № 2. - 38-43 б.

8. Салаев С.К. Особенности и проблемы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Хорезмской области Республики Узбекистан // Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2006.- № 1. – С. 29-32.

9. Салаев С.К. Некоторые особенности развития конкурентной среды и

малого бизнеса в условиях переходной экономики // Вестник Каракалпакского Отделения АН Рух. – Нукус, 2006. - № 2. – С. 41-43.

10. Салаев С.К. Оценка привлекательности отраслей экономики Хорезмской области на основе точки безубыточности // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2006. - Март №4 (48). – С.35-39.

11. Салаев С.К. Конкурентная среда как непереносимое условие развития малого и частного бизнеса // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2005. - Август № 1. – С. 30-31.

12. Салаев С.К., Маткулиева С. Налогообложение малого бизнеса: разные страны и разные подходы // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2005. - Декабрь №4 (48). – С. 35-39.

13. Салаев С.К. Региональные особенности развития малого и среднего бизнеса в Хорезмской области Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2004. - № 2 (53). – С. 27-29.

14. Салаев С.К. Факторы, влияющие на распределение субъектов малого и среднего бизнеса по уровню доходности в Хорезмской области Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2004. - №3 (54). – С. 91-93.

15. Салаев С.К. Малый бизнес в Узбекистане: анализ, проблемы и их решения // Экономика и финансы. – Москва, 2004. - №4 (55). – С. 71-73.

16. Салаев С.К. Йирик бизнеснинг кучли ва заиф томонлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. - № 4. – 6-8 б.

17. Салаев С.К. Кичик бизнесда рўйхатга олиш ва рухсат олиш жараёнларининг баъзи хусусиятлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. - № 5-6. – 46-48 б.

18. Салаев С.К., У.Жабборов. Тадбиркорликда ишлаб чиқариш зарарсизлиги ва CVP таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. - № 9-10. – 62-63 б.

19. Салаев С.К., Сатторов С. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги: муаммолар ва истикболлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2003. - № 8. – 16-17 б.

20. Рўзметов Б.Р., Салаев С.К., Машарипова М. Внедрение стратегического менеджмента в управление развитием малого и среднего бизнеса Хорезмского региона Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2002. - № 7 (9). – С.37-42.

21. Салаев С.К., Раҳимов З.Т. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда шерикчилик муносабатларининг роли // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2002. - № 4. – 2-5 б.

22. Салаев С.К., Раҳимов З.Т. Экология ва тадбиркорлик // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2002. - № 5-6. – 61-62 б.

23. Салаев С.К. Тадбиркорликдаги солиққа тортиш муаммоларини қандай бартараф этиш мумкин? // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. - № 4-5. – 10-12 б.

24. Салаев С.К. Кичик бизнес субъектларини барқарор ва мутаносиб равишда ривожлантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. - № 6. – 32-34 б.

25. Салаев С.К., Раҳимов Ф. Иш юзасидан йиғилишлар ўтказишнинг

бизнесни бошқаришдаги роли // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. - № 10-11. – 57-61 б.

II. Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар ва тезислар

26. Салаев С.К., Сатторов С.А. Проблемы устойчивого и стабильного развития субъектов малого бизнеса в Хорезмской области // Материалы международной конференции. – Ташкент-Ноттингем: ТГЭУ, НГУ, 2001. – С. 6-8.

27. Салаев С.К., Отажонов Х. Ўзбекистон кичик ва ўрта бизнесида ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари // Республика илмий-назарий анжумани материаллари.–Тошкент.:ТМИ, 2001.–50-51 б.

28. Салаев С.К. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида Хоразм вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг баъзи жиҳатлари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари.–Урганч.:УрДУ, 2002.–67-70 б.

29. Рузметов Б.Р. Салаев С.К. Усиление роли малой экономики в развитии региона // Международная научно-практическая конференция. – Казахстан.: Шымкентская Академия «Улағат», 2003. – С.136-137.

30. Салаев С.К. Кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро таъсирларини моделлаштириш // Республика илмий-амалий анжумани. – Т.:ТДИУ, 2005.– 67-68 б.

31. Matlatipov G., Salayev S.K., Babadjanov K. Some questions of the estimation of tendencies of development of small business in Uzbekistan by means of expert-partner systems // Proceedings of the scientific conferece of the participants of training course in Shanghai university in the field of engineering. – China.: Shanghai, 2006. – p. 47-50.

32. Салаев С.К., Сатторов С. Кичик ва йирик бизнес стратегиялари ва синергияси // Республика илмий-амалий анжумани.– Т.: ТДИУ, 2006. – 154-156 б.

33. Салаев С.К. Финансово-инвестиционные источники развития малого бизнеса в условиях Узбекистана // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарканд.: СИСИ, 2006. – 366-368 б.

34. Матлатипов Г.Р., Салаев С.К. Особенности оценки тенденций развития малого бизнеса в Узбекистане при помощи экспертно - партнерских систем // XX международные Плехановские чтения.– М.: РЭА, 2007.–С.395-397.

35. Salayev S.K., Allanazarov B.D., Kurbanliyazov U.R. The role of small business in the economy of Khorezm region Uzbekistan // Training program for Young Experts (Teachers) of Uzbekistan at Universiti Teknologi MARA. – Malaysia.: 2007. – p.61-64.

36. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришнинг долзарблиги масалалари // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани материаллари (2-қисм). – Тошкент.: ТДТУ, 2007. – 150-151 б.

37. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини сценарий усули ёрдамида баҳолаш ва башоратлаш хусусиятлари // Международная научно-практическая конференция. – М.: МГЭИ, 2007. – С. 36-39

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

38. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодий ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2006. - 332 б.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Салаев Санъатбек Комиловичнинг
08.00.06 – «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича «Кичик бизнес ривожланиш
тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида)»
мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, моделлаштириш, башоратлаш, оптимал гуруҳлаш, зарарсизлик нуқтаси, яшовчанлик ва сўнувчанлик, кооперациялашув ва концентрациялашув даражалари, «яшовчанлик матрицаси», эксперт-хамкорлик тизимлари, синергия, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқалари.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси ва айрим минтақалардаги кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади республикада кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда устувор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик ва жараёнларни билишнинг турли илмий усуллари: иқтисодий тизимларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндошув, таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, қиёсий таҳлил, кластер таҳлил, оптимизацион усуллар, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, статистик, эконометрик моделлаштириш ва башоратлаш усуллари қўлланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: республикада кичик бизнеснинг ривожланиш тенденциялари аниқланган, улар катта сонлар қонуни ва тақсимот эҳтимоллиги функциялари орқали тадбиқ этилган, башоратлаш услуби таклиф этилган. Кичик бизнес субъектларининг генезиси, ривожланиш қонуниятлари, банкротлик сабаблари, ўзаро қўшилиш, кичик ва йирик корхоналар синергиясининг жиҳатлари, уларни бозор механизми орқали бошқариш, монополияларни чеклаш муаммолари билан боғлиқликда чуқур тадқиқ этилган ҳамда амалий таклифлар яратилган. Республикада кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларнинг корхоналарни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдаги аҳамияти тизимли таҳлил этилган, муҳим йўналишлари яхлит тизимга туширилган. Кичик бизнес ривожланиш жараёнларини таҳлил этиш ва синтезлашда, хусусий ва интеграл кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш услубиёти амалда қўлланилган ҳамда бизнес субъектларининг менежмент босқичлари таҳлил этилиб самарали бошқариш, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг зарарсиз нуқталари илк бор муайян минтақа кесимида иқтисодий тармоқлари бўйича тадқиқ этилган. Касаначилик асосидаги кичик ва йирик бизнеснинг кооперацион алоқаларини моделлаштириш услуби, республикада минтақаларини кичик бизнес ривожланганлиги бўйича оптимал гуруҳлаш алгоритми, услуби ишлаб чиқилган ва қўлланган. Мустақилликдан кейинги йилларда кичик бизнес субъектларининг ривожланиши эксперт-хамкорлик тизими ёрдамида даврий баҳоланган ва реал амалиёт билан мослиги асосланган, тадбиркорларнинг бухгалтерия талқинидаги фойда миқдори билан иқтисодий фойда миқдори тушунчалари фарқи изоҳланган, муқобил харажатларнинг бизнес юритишдаги аҳамияти ёритилган; республикада минтақаларида кичик бизнесни ривожланиши сценарий усули ва эксперт-хамкорлик тизимлари ёрдамида баҳоланган ҳамда башоратланган.

Амалий аҳамияти: кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини баҳолаш, моделлаштириш ва башоратлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсиялар, амалий таклифлар ушбу соҳани тартибга солиш ва мувофиқлаштирувчи давлат, минтақавий ва маҳаллий органлар фаолиятини такомиллаштиришга, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар ОТ-Ф7-133 «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги (31.07.07й.даги №156) фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (№ 05-312/8, 22.03.07й.), Бизнес-инкубаторлар ва Технопарклар ассоциацияси (№ 01/67, 20.04.2006й.), Савдо-саноат Палатаси (№11/АШ-07-1580, 18.09.07й.), Хоразм вилояти Ҳокимлиги (№6-1237, 02.06.2006й., №8-98, 16.01.2007 й., № 30, 23.02.2008й.) амалий фаолиятларида ва Урганч давлат университети (№204/2, 03.09.07й.) ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини тартибга солиш ва мувофиқлаштирувчи давлат ва минтақавий бошқарув органлари фаолиятида, ихтисослашган олий ўқув юртлари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Салаева Санъатбека Комиловича на тему «Моделирование и прогнозирование тенденций развития малого бизнеса (на примере Республики Узбекистан)» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и статистика»

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, моделирование, прогнозирование, оптимальная группировка, точка безубыточности, уровень выживания, затухания, кооперации и концентрации, «матрица выживания», экспертно-партнерские системы, синергия, кооперационные связи малого и крупного бизнеса.

Объектом исследования являются субъекты малого бизнеса в Республики Узбекистан и в некоторых её регионах.

Целью работы является разработка научно-практических предложений и рекомендаций по совершенствованию теоретико-методологических основ моделирования и прогнозирования, а также обеспечивающие приоритетного развития малого бизнеса в республике.

Методы исследования: в работе применялись различные научные методы познания экономических явлений и процессов: диалектический подход к изучению экономических систем, анализ и синтез, комплексный подход, сравнительный и кластерный анализ, метод экспертных оценок, оптимизационные методы, статистическая группировка, методы эконометрического моделирования и прогнозирования.

Полученные результаты и их новизна: выявлены тенденции развития малого бизнеса в республике и они представлены с помощью закона больших чисел и функций распределения вероятностей, предложены методы их прогнозирования. Глубоко исследованы генезис и закономерности причин банкротства, слияния и аспекты синергии малого бизнеса с крупным, рыночные механизмы управления и разработаны практические предложения в увязке с проблемами ограничения монополий. При анализе и синтезе процессов развития малого бизнеса практически применена методология разработки и оценки частных интегральных показателей. На основе анализа этапов менеджмента впервые исследованы показатели эффективного управления, точки безубыточности бизнес субъектов в разрезе отраслей и регионов. Разработана методика моделирования кооперационных связей малого и крупного бизнеса на основе надомного труда. Разработан и внедрен алгоритм, методика оптимальной группировки регионов республики по развитию малого бизнеса. Обоснованы и оценены периодические тенденции развития малого бизнеса в годы независимости при помощи экспертно-партнерских систем, выявлены различия трактовки понятий бухгалтерской и экономической прибыли предпринимателей, исследованы значения альтернативных затрат в ведении бизнеса. Оценено и прогнозировано развитие малого бизнеса в регионах республики с помощью метода сценария и экспертно-партнерских систем.

Практическая значимость: научно-теоретические рекомендации и практические предложения по оценке, моделированию и прогнозированию тенденций развития малого бизнеса позволят совершенствовать деятельность государственных, региональных, местных органов по регулированию и координации данного сектора при разработке долгосрочных программ развития малого бизнеса.

Степень внедрения и экономическая эффективность: выводы и предложения, разработанные в диссертации, были использованы ГНТП фундаментальных исследований ОТ-Ф7-133 «Теоретико-методологические основы моделирования и разработки маркетинговой стратегии развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан» (31.07.07 г., пр.№156), а также применяются в практической деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан (№ 05-312/8, 22.03.07 г.), Ассоциации Бизнес-инкубаторов и Техно-парков (№ 01/67, 20.04.2006 г.), Торгово-промышленной Палаты (№11/АШ-07-1580, 18.09.07 г.), Хокимията Хорезмской области (№6-1237, 02.06.2006 г., №8-98, 16.01.2007 г., № 30, 23.02.2008 й.) а также в учебном процессе Ургенчского государственного университета (№ 204/2, 03.09.07 г.).

Область (использования) применения: результаты исследования могут быть использованы в деятельности государственных, региональных, местных органов по регулированию и координации развития малого бизнеса и частного предпринимательства, а также в учебном процессе соответствующих высших учебных заведений.

RESUME

Thesis of Salayev Sanaatbek Komilovich on the scientific degree competition of the Doctor of Economics, speciality 08.00.06 – “Econometrics and Statistics” on “Modelling and forecasting of the tendencies of small business development (at the example of the Republic of Uzbekistan)”

Key words: small business, private entrepreneurship, modelling, forecasting, optimal grouping, the break even point, level of survival, attenuation, degree of cooperation and concentration, “matrix of survival”, expert and partnership systems, synergy, cooperation relations of small and large business.

Object of the research: subjects of small business in the Republic of Uzbekistan and some regions.

The aim of the research is to elaborate tendencies forming and development of small business in the republic, work out of scientific and practical proposals on development of theoretical and methodological bases for small business modelling and forecasting.

Methods of research: different scientific methods of learning of economic phenomena and processes have been revealed: dialectic approach to study of economic systems, analysis and synthesis, complex approach, comparative and cluster analyses, method of expert evaluation, optimization methods, statistic grouping, econometric methods of modelling and forecasting.

The results achieved and their novelty: the tendencies of development of small business in the republic have been developed and they have been represented with help of the law of large numbers and functions of probabilities’ distribution. The genesis and laws of small business development with bankruptcy causes, common combination and its synergy aspects with large one, market management mechanism have been deeply researched and practical proposals by considering the problems of monopoly restrictions have been worked out. While analyzing and synthesizing the small business development processes the methodology of elaboration and evaluation of private integral indicators have been applied. Based on analysis of management stages for the first time, the indexes of efficient management, the break even point with view of economic branches and regions have been investigated. The methodology of modelling of cooperation links between small and large-scale businesses on basis of in-home activity has been investigated. The algorithm, the methodology of optimal grouping of regions of the republic on development of small business have been worked out and introduced. The periodical tendencies of development of small business has been grounded and estimated with the line of expert and partnership systems, differences of interpretation of concepts of accounting and economic profits of owners as well as importance of opportunity costs in conducting business have been examined. The development of small business in the regions with the help of the method of scenario and expert-partnership system in the regions of the Republic has been estimated and predicted.

Practical value: scientific and theoretical recommendations and practical suggestions on estimation, modelling and forecasting the tendencies of development of small business allow improving the activity of state, regional, local bodies during the regulation and coordination of the given sector in elaboration of long-term programs for small business development.

Degree of embed and economical efficiency: conclusions and proposals, worked out in the dissertation, have been applied by the State Scientific Technical programs of fundamental research OT-F7-133 “Theoretical and methodological bases of modelling and elaboration of marketing strategy of development of small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan” (No 156 from 31.07.2007), also have been applied in the practical activity of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan (No 5-312/8 from 22.03.2007), in the Association of Business incubators and techno-parks (No 01/67, 20.04.2006), Chamber of Trade and Industry (No 11/AIII-07-1580 from 18.09.2007), in the activity of the Khokimiyat of Khorezm Region (No 6-1237 from 02.02.2006, No 8-98 from 16.01.2007) in teaching process of the Urgench State University (No 204/2 from 03.09.2007).

Sphere of usage conclusions and proposals can be used in the activity of governmental, regional, local bodies on regulation and coordination of development of small business and private entrepreneurship, and in educational process of designated higher educational institutions.

Тадқиқотчи _____